

Р. САФАРОВА

# ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МУНОСАБАТНИНГ ТУРЛАРИ

*Олий ўқув юртлари талабалари ва мактаб  
ўқитувчилари учун қўлланма*

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлиги нашрга тавсия этган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1996

Олий ўқув юрти талабалари ва мактаб ўқитувчиларига мўлжалланган ушбу қўлланма тилшунослик фанининг янги соҳаларидан бири — систем лексикологияга оид тадқиқотлардан бўлиб, ўзбек тилида лексик-семантик муносабатнинг турлари ҳақида кенг илмий маълумотлар беради.

Тақризчи: Филология фанлари доктори, профессор  
**Ҳ. НЕЪМАТОВ**

САФАРОВА РОҲАТОЙ

## ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МУНОСАБАТНИНГ ТУРЛАРИ

Тошкент «Ўқитувчи» 1996

Муҳаррир *Ҳ. Юсупова*  
Бадший муҳаррир *Э. Нурмонов*  
Техн. муҳаррир *Ш. Бобохонова*  
Мусаввифа *Л. Мирзааҳмедова*

ИБ № 6766

Теришга берилди 30.08.95. Босишга рухсат этилди 4.12.95. Бичими 54X103 $\frac{1}{32}$ . Тип. қоғаз. Литературная гарнитураси. Кегли 10 шпони. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 2,52. Шартли кр.-отг 2,73. Нашр л. 2,35. 3000 нусхада. Бюджетта 2357.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент. Намойиш кўчаси, 30. Шартнома № 13—15—95.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1 босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1 берк к. л. 2 уй, 1996 й.

С  $\frac{4602000000-54}{353(04)-96}$  135—96 .

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1996

ISBN 5—645—02596—2

## ЛЕКСИКОЛОГИЯНИ ТИЗИМ СИФАТИДА УРГАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ҳали тил бирликларини яхлит бир тизим сифатида ўрганиш, систем тилшунослик ва унинг тадқиқот методлари (усуллари) тўла такомиллашмаган бир даврда тилнинг систем характери, тилшуносликка бағишланган дастлабки йирик тадқиқотларда намоён бўла бошлади. Тил лексик қатламларининг систем характерга эга эканлиги, узоқ даврлар давомида баҳсу мунозараларга сабаб бўлиб келган бўлса ҳамки, синоним ва антонимларнинг алоҳида-алоҳида лексик-семантик гуруҳлар сифатида ажратилиши тилшуносларда ҳеч қандай шубҳа уйғотмади.

Синонимлар ва антонимларнинг алоҳида-алоҳида лексик-семантик гуруҳлар (парадигмалар) сифатида ажратилиши эса, ўз навбатида, тил ҳамда шу тил луғат тизимининг систем характерга эга эканлигидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда, синоним сўзлар бу, аниқ семантик алоқа (муносабат) асосида боғланган луғавий бирликларнинг аниқ (конкрет) тизимидир. Худди мана шу аниқ семантик алоқа асосида боғланган лексик парадигмалар, ўз навбатида, яхлит бир микроtizимни ташкил қилади. Қайсики, бу микроtizим доирасида ҳар бир элементнинг мавжуд маънолари билан ўзаро боғланиш (алоқа)га киришиши асосида намоён бўлади. Чунончи, *қуёш*, *офтоб*, *шамс*, *қамар*, *чиройли*, *гўзал*, *зебо*, *сулув* ва ҳ. к.

Ўзбек тилшунослигида ҳам тилнинг луғат қатламини яхлит бир тизим сифатида ўрганиш соҳасида қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Фан тараққиётининг турли даврларида амалга оширилган бир қатор илмий тадқиқотларда систем лексикология асослари шаклланиб борди. Бинобарин, ўзбек тилшунослигида систем лексикологиянинг шаклланиб, тараққий этиш йўллари-ни қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

а) биринчи босқич. Сўз ва лексема орасидаги фарқ, семалар ва уларни таркибий қисмларга ажратиш йўллари, айрим сўз жуфтларининг семантик таркибини (структурасини) аниқлашда намоён бўлади;

б) иккинчи босқич. Систем лексикологиянинг тараққиёт босқичи сўзларни тематик ва лексик-семантик гуруҳларга бирлаштириб, маънони таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш билан характерланади. Худди шу босқичда ўзбек тили лексикологиясида ҳам сўзларни лексик-семантик гуруҳларга бирлаштириб ўрганиш, яъни систем тилшунослик, систем лексикология асосларни шаклланади. Худди шундай асосга таянган ҳолда систем лексикологияда алоҳида лексик-семантик гуруҳлар сифатида асосан синонимик маънолар асосида боғланган лексик парадигмалар, антоним маънога эга бўлган сўзлар гуруҳи, турли тематик ва лексик-семантик қаторлар, лексик парадигмалар тадқиқот манбаи бўлиб келди:

Олтмишинчи йилларнинг охирига келиб, Фарбий Европа ва кейинчалик рус тилшунослигида ҳам систем лексикологияда маълум бўлган лексик-семантик гуруҳлар синонимик ҳамда антонимик парадигмалар билан бир қаторда, лугавий бирликлар орасидаги лексик-семантик муносабатнинг янги бир тури — *гипонимия* ажратилади.

*Гипонимия*, *гипоним* ҳамда *гипероним* атамалари дастлаб 1968 йилда инглиз тилшуноси профессор Д. Ж. Лайонз томонидан қўлланилди. Шундан кейин гипонимия ҳақидаги дастлабки илмий ахборотлар рус тилшунослигида ҳам вужудга кела бошлади. Таниқли рус тилшунослари А. А. Уфимцева, Л. Новиков, Земский ва бошқаларнинг ишларида, Фомянова ҳамда Супрун таҳрири остида чоп этилган «Общие языкознание» китобида, Ю. С. Степановнинг «Общие языкознание» номи асарида ҳамда француз тилшуноси В. Г. Гакнинг асарларида ҳам бу атама дастлабки илмий мулоҳазалар сифатида ифодаланган.

Гипонимия ҳақида юқорида кўрсатиб ўтилган тилшуносларнинг қарашларини ўрганиш натижалари шунини кўрсатдики, мазкур ишларда гипонимия атамаси остида бир томондан, жинс-тур муносабатини ифодалаб келган сўзлар қатори, яна бир томондан, бутун-бўлак муносабатини ифодалаш асосида боғланган сўзлар қатори, бошқа бир томондан эса лугавий бирликларнинг ўзаро кетма-кетлигини ифодалаш асосида боғланиши натижасида вужудга келган иерархияшумлик қаторлари тушунилади. Гипонимия ҳақидаги бундай турли хилдаги қарашлар ҳали тилшуносликда гипонимиянинг чега-

расни ва ифодаланиш воситалари аниқ асослаб берилмаганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам гипонимиянинг чегарасини ва ифодаланиш воситаларини аниқлаш учун бу ҳодисаларни, яъни жинс-тур муносабатини ифодалаш асосида боғланган лексик парадигмалар билан бутун-бўлак ҳамда иерархик (поғонали муносабатни) ифодалаш асосида боғланган сўзлар тизими орасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда семантик алоқанинг ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаб бериш лозим. Чунки объектив борликда мавжуд бўлган жинс-тур муносабатини ифодалаш асосида боғланган сўзлар қатори билан, бутун-бўлак муносабатини ифодалаш асосида боғланган луғавий бирликларни бир лексик-семантик гуруҳга бириктириш тўғри эмас. Чунки бир лексик парадигматик қаторни ҳосил қилувчи *дарахт, ел, қайин, терак, тол, чинор* тушунчаларини ифодаловчи луғавий бирикликлар ўзаро тенг боғланиш асосида алоқага киришади. Бу қатордаги *дарахт* сўзи умумийлик, яхлитлик маъносини ифодаловчи сўз сифатида *ел, қайин, терак, тол, чинор* тушунчаларини шу *дарахт*нинг алоҳида-алоҳида турларини ифодаловчи тушунчалар сифатида бириктириб қамраб олади. Бу ўринда *дарахт, ел, терак, қайин, тол, чинор* типидagi сўзлар орасидаги маъно муносабатини бутун-бўлак муносабати асосида боғланган сўзлар орасидаги муносабат билан бир хил баҳолаш мумкин эмас. Чунки *дарахт, ел, қайин, терак, тол, чинор* сўзлари ўзаро жинс-тур муносабатини ифодалаш асосида боғланган сўзлар қатори орасидаги фарқ *дарахт, ел, қайин, терак, тол, чинор* сўзлари орасидаги мантиқий (логик) семантик алоқа билан *дарахт, шох, илдиз, барг* сўзлари орасидаги ўзаро алоқа чоғиштирилганда яққол намоён бўлади.

*Дарахт* сўзи жинс тушунчасини ифодаловчи сўз сифатида *ел, қайин, терак, тол* сўзлари билан боғланган. Бу қатордаги *дарахт* сўзи марказий, бош сўз сифатида шу жинсга нисбатан тур тушунчаларининг номларини ифодалаб келувчи сўзларнинг барчасини ўзига бириктириб келади. Айни замонда *дарахт* сўзи бутун тушунчасининг номини ифодаловчи луғавий birlik сифатида шу бутунлиكنинг таркибий қисмларининг номини ифодаловчи *илдиз, тана, шох, барг* сўзлари билан боғланиб, бир лексик-семантик қаторни ҳосил қи-

лади. Шунинг учун ҳам объектив борлиқдаги жиен-тур муносабатни ифодалаш асосида ҳосил бўладиган гипо-гиперонимик лексик парадигмаларнинг элементлари орасидаги ўзаро маъно муносабатларини бутун-бўлак тушунчаларини ифодалаш асосида ҳосил бўладиган нисбий лексик парадигма элементлари орасидаги маънавий-семантик алоқаларни лингвистик нуқтан назардан ўзаро фарқлаш асосидагина тилнинг лексик-семантик тизимида мавжуд бўлган гипонимия ҳодисасининг аниқ чегарасини белгилаш ҳамда гипо-гиперонимик семантик алоқалар асосида ҳосил бўлган парадигмаларнинг лингвистик характерини очиш мумкин.

Гарчанд, партонимик (бутун-бўлак) муносабатини ифодалаш асосида ҳосил бўлган луғавий бирликларнинг қатори гипо-гиперонимик муносабатларни ифодалаш асосида боғланган лексик парадигмаларга жуда ўхшаса ҳамки, гипонимик ҳамда партонимик қаторлардан ҳар бирини ҳосил қиладиган луғавий бирликлар орасидаги алоқа бир-бирдан кескин фарқ қилади. Чунокчи, *тана* сўзи одам вужудига нисбатан олинганда *бутун* тушунчасини ифодаловчи сўз сифатида қўлланилади.

*Тана, бош, бўйин, елка, қўл, бел, қорин, оёқ* қаторидаги *тана* сўзи ва одам гавдасининг қисмларини ифодаловчи луғавий бирликлар орасида ўзаро тобеланиш ва бўйсунуш муносабатлари мавжуд эмас. Бу шундан даломат берадики, *тана* сўзи ва *тана* бутунлигининг номларини ифодаловчи сўзлар ўзаро ассоциатив, бир-бирини бириктириб келиш, ўзаро бир-бирини эслатиш асосида боғланмаганлиги учун ҳам *тана, бош, бўйин, елка, қўл, бел, қорин, оёқ* сўзларининг вертикал қатори тилнинг лексик-семантик тизимида доимий барқарор алоқа ва барқарор муносабат асосида характерланувчи лексик парадигмаларни ҳосил қила олмайди. Фикримизнинг тасдиқи сифатида *тана* сўзини ҳайвон вужудининг-бутунлигини ифодаловчи сўз сифатида олиб қараймиз. Бу ҳолда ҳайвон танаси қисмларининг номларини ифодаловчи *қўл, оёқ* сўзлари тушиб қолади ҳамда *шоҳ, туёқ* сўзлари қўшимча равишда қўлланилади. Бу ўринда *тана* сўзининг шу қатордаги бошқа сўзлар билан бўлган алоқаси тил доирасидаги доимий барқарор парадигматик муносабат эмас, балки ситуатив-контекстуал, окказионал характерга эга. Бу қатордаги сўзларнинг ифодаланиши бевосита ифодаланаётган

диноатларнинг характери билан боғлиқ. Шу ўринда *бутун* маъносини ифодаловчи *тана* сўзи нутқ шароити билан боғлиқ ҳолда айни бир контекстда бир сўз билан боғланса, иккинчи бир контекстда яна бошқа бир сўз билан боғланиб келади.

Бу ҳол бутун-бўлак тушунчаларини ифодаловчи сўзларнинг контекст доирасида оккозионал маънога эга эканлигидан, бундай сўзлар тизими тил доирасидаги парадигматик қаторларни ҳосил қила олмаслигидан далолат беради. Масалан: ўзбек тилидаги *тана* сўзининг бир маъноси билан *жон*, *руҳ* сўзлари билан боғланса, бошқа бир маъноси *шох*, *илдиз*, *барг* сўзлари билан боғланади, шунингдек, *тана* сўзининг яна бир маъноси *бош*, *бўйин*, *елка*, *қўл*, *бел*, *қорин*, *оёқ* сўзлари билан бир қаторни ҳосил қилса, бошқа бир томондан *пўстлоқ*, *мағиз* сўзлари билан боғланади. Юқорида биз келтирган ҳар тўртала қаторда ҳам *тана* сўзи билан унга боғланиб, бир қаторни ҳосил қилган луғавий бирликлар орасида нисбий парадигматик муносабат ва бир томонлама ассоциатив алоқа мавжуд. Шунинг учун ҳам партитив (бутун-бўлак) тушунчаларини ифодалаш асосида боғланган сўзлар қаторидаги луғавий бирликлар орасидаги муносабатга тил доирасидаги соф парадигматик муносабат сифатида қараш бир қадар мураккаб.

Бу билан биз партитив муносабат асосида боғланган луғавий бирликлар ўзига хос лексик парадигматик қаторларни ҳосил қилади, деган фикрни инкор қилмоқчи эмасмиз. Шунга қарамай, партитив муносабат асосида боғланган сўзлар қатори билан жинс-тур муносабатини ифодалаш асосида ҳосил бўлган гипонимик парадигмаларни логик-семантик ва лингвистик жиҳатидан бир-бирдан ажратиш жуда мураккаб. Бу қаторларнинг ҳар бири ўзига хос томонларининг мавжудлиги ва ифодаланиш усуллари, воситаларига кўра алоҳида тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Худди шу ўринда умумийлик ва хусусийлик тушунчалари билан бутун-бўлак, жинс-тур тушунчаларининг ўзаро умумий ва ўзига хос томонлари яққол намоён бўлади. Бутунлик тушунчаси ўзига турли турдаги тушунчаларни бириктириб таркиб топа олади. Умумийлик тушунчаси фақат бир турдаги тушунчаларни бириктириб келади. Чунончи, *учбурчак* сўзи бутун тушунчасини ифодаловчи сўз сифатида учта тўғри чизиқнинг

кесишувидан иборат бўлади. Учбурчак учта бурчакка эга. Шу ўринда *учбурчак* ва *тўғри чизиқ* сўзлари орасида парадигматик муносабат ҳосил бўлмайди. Чунки *учбурчак* бутунлик тушунчасини, *тўғри чизиқ* ва *бурчак* сўзлари эса шу бутунликнинг қисмларини, айни пайтда турли турдаги қисмларнинг номларини ифода-лаб келади. Чунончи, *тенг ёнли учбурчак*, *тенг томонли учбурчак*, *тўғри бурчакли учбурчак* сўзлари *учбурчак* сўзи билан бирикиб, *учбурчак* сўзига тенг боғланиб, бир парадигматик қаторни ҳосил қилади. Бундай қатордаги тур белгиси билан фарқ қилувчи тушунчаларнинг номини ифодаловчи сўзлар ўзининг аниқ аниқловчилари, яъни шу турлардан ҳар бирининг номини ифодаловчи сўзлар шаклида ифодаланлади. Тур тушунчасининг номини ифодаловчи сўзлар айни бир вақтнинг ўзида ҳам тур белгисининг номини, ҳам жинс белгиси номининг аниқ (конкрет) ифодаланишини таъминлайди: *тўғри бурчакли учбурчак*, *чўртан балиқ*, *оқ лайлак*, *лола гул*, *хайригул*, *олма дарахти*, *нок дарахти* ва ҳ. к. Лекин шунини алоҳида таъкидлаш керакки, жинс белгисини ифодаловчи сўз тур белгисининг номини ифодаловчи сўзни ҳар доим ҳам эксплицид тарзда бириктириб келавермайди. Тур белгисининг номини ифодаловчи сўз тамоман мустақил луғавий бирликлар ёрдамида ҳам акс этган бўлиши мумкин. Масалан, *тўртбурчак*, *квадрат*, *ромб*. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, тур белгисининг номини ифодаловчи сўз эксплицид тарзда ифодаланмаган бўлса ҳам гипонимик қатор доирасида тур белгисининг номини ифодаловчи мустақил луғавий бирликлар ҳам, сўз бирикмаси ҳам бир хил вазифани бажаради, яъни у ёки бу жинсга мансуб предметнинг алоҳида-алоҳида турларини ифодалаб келади. Жумладан, *балиқ*, *бақра*, *лаққа*, *сазан*, *чўртан балиқ*, *электрли лаппак балиқ* сўзларидан иборат гипонимик лексик қатордаги *бақра*, *лаққа* сўзларининг таркибидаги *балиқ* сўзи эксплицид тарзда ифодаланмаган бўлса-да, улар вазифасига кўра *чўртан* ва *электрли лаппак балиқ* сўзлари билан тенгдир. Бу сўзларнинг барчаси ҳам балиқнинг бирор белгисига кўра ўзаро бир-бирдан фарқ қилувчи турларни ифодалаб келади. Демак, тил объектив борлиқдаги жинс-тур муносабатини ифодалашда ўзининг одатдаги икки имкониятидан фойдаланади:

а) жинс белгисининг номини ифодаловчи сўз билан тур белгисининг номини ифодаловчи сўзнинг экс-

плицид тарзда бирикуви асосида ҳосил бўлган сўз бирикмаси ёрдамида тур тушунчасининг номини ифодалайди: *чўртан балиқ, ҳинд ғози, хитой олмаси, турк чойи, ҳинд чойи, хитой чойи* ва ҳ. к;

б) жинс белгисининг номини ифодаловчи сўзнинг эксплицид тарзда бирикувсиз, алоҳида луғавий бирликлар орқали тур белгисининг номини ифодалайди: *от, қулун, той, ёўлон, дўлон, тўлон; ит, кучук, лайча, тўрткўз, олапар, бўрибосар* ва ҳ. к. Кўриниб турибдики, тил жинс-тур муносабатларини ифодалашда ўзининг одатдаги икки номинатив воситаси сўз ҳамда сўз бирикмасидан фойдаланар экан. Шубҳасиз, у ёки бу муносабатни тилнинг лексик воситалари ёрдамида ифодаланиш имкониятлари дунёдаги барча тилларда айни шу муносабатнинг сўз бирикмаси ва барқарор атамалар ёрдамида ифодаланишга нисбатан бир неча мартаба камдир. Шунинг учун ҳам айни шу муносабатни тилнинг лексик-семантик тизимида алоҳида ўрин тутган сўзлар ва лексемалар ёрдамида ифодаланиш имкониятларини ўрганишгина систем лексикология учун, шу жумладан, семасиология учун катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам биз тадқиқотда эътиборни гипонимиянинг мустақил луғавий бирликлар ва лексемалар воситасида ифодаланиш имкониятини ўрганишга қаратамиз.

### ЎЗБЕК ТИЛИДА ЖИНС-ТУР МУНОСАБАТИ АСОСИДА БОҒЛАНГАН ЛУҒАВИЙ БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Дунёдаги барча бошқа тиллар каби ўзбек тилининг ҳам жинс-тур муносабатини ифодалаш асосида боғланган луғавий бирликларни сўз бирикмаси воситасида ифодалаш имконияти чекланмаган бўлиб, бу воситалар маҳсулдор моделлар орқали тасвирланади, худди шу типдаги моделлар билан чегараланади. Шундай моделлардан яна бири ва энг маҳсулдори жой номи, III шахс бирликдаги эгалик қўшимчаси. Масалан: *ҳинд чойи, француз атиргули, денгиз карамли, денгиз мушуги* ва ҳ. к.

Жинс-тур муносабатларини ифодалашнинг лексик имкониятларига келсак, бошқа муносабат турларини ифодалаш воситалари каби жинс-тур муносабатини ифодалашнинг луғавий имкониятлари ҳам ўзбек тили-

да чекланган ва маълум луғавий бирликлар ёрдамида тасвирланган бўлади.

Жинс-тур муносабати сўз бирикмаси ёрдамида ифодаланса, тур номини ифодалаб келган номинатив бирликлар нутқнинг маҳсули бўлиб, бундай бирликлар тил қурилишида мустақил ўринга эга бўлмайди. Тилнинг лексик-семантик тизимида жинс белгисининг номини ҳамда тур белгисининг номини ифодалаб келган мустақил луғавий бирликларгина мазкур тил қурилишидан мустақил бирликлар сифатида ўрин олади. Бундай луғавий бирликлар алоҳида ўзак морфемага эга бўлиб, тилнинг мустақил бирлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай луғавий бирликларнинг миқдори ҳар бир тилда қатъий равишда белгилаб қўйилган. Маълумки, сўзлар каби сўз бирикмалари ҳам бирор-бир предмет ҳамда воқеа-ҳодисанинг номини ифодалаб келади, яъни номинатив вазифа бажаради: *оқ айиқ, қулоқли бойўғли, кўк кит, букри кит* ва ҳ. к. Бу ўринда шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, тилдаги ҳар бир сўз бирикмаси шу тилдаги мустақил луғавий бирликларнинг умумий миқдоридан келиб чиқади. Чунончи, маълум соҳага онд атама ҳамда сўз бирикмаларининг ҳажми шу тилдаги луғавий бирликларнинг умумий миқдоридан келиб чиқади. Масалан, чорвачилик атамалари: *гўй, тоғ қўйи, сигир, тарғил сигир, говлиши сигир* ва ҳ. к.

Шунинг учун ҳам ҳар бир мавзу қаторидан мустақил луғавий бирлик ва сўз бирикмаси номинатив бирлик сифатида бир хил ўрин эгаллайди. Чунончи, ҳайвон номлари мавзу гуруҳидаги барча ҳайвон номларини ифодаловчи сўз бирикмалари ва луғавий бирликлар *балиқ, чўртан балиқ, айиқ* ва *оқ айиқ, қора айиқ, ҳимолай айиғи* ҳам бир хил ўрин эгаллайди, яъни бу сўзларнинг барчаси ҳам таркиби қандай бўлишидан қатъи назар, бирор-бир ҳайвон турининг номини атаб келади.

Тилнинг лексик-семантик тизимида у ёки бу денотат номининг алоҳида-алоҳида луғавий бирликлари ёрдамида ифодаланиши мазкур сўзлар ифодалаб келган денотатларнинг шу халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, хўжалиги, ижтимоий ишлаб чиқаришда қандай аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади. Чунончи, ўзбек тилининг луғат қатламидан *кенгуру, бедемат, тулен, кит, дельфин* сўзларининг ўзбекча ифодасини излаш

бефойдадир. Чунки мазкур сўзларни ифодалаб келган денотатлар ўзбек халқининг ҳаёти, маданияти ва турмуш тарзида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун ҳам ўзбек тили бу сўзларнинг ўзбекча ифодасига ҳеч қандай эҳтиёж сезмайди. Айни бир халқнинг ижтимоий ҳаёти ва турмуш тарзини, маданий савиясини ўрганишда шу халқ тилидаги луғавий бирликларни, мазкур тилнинг луғат қатламини чуқур ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шу маънода у ёки бу тарздаги муносабат турини, шу жумладан, жинс-тур (гипонимик) муносабатларнинг ҳам тилдаги мустақил луғавий birlikлар, шу жумладан, лексемалар ёрдамида ифодаланишини ўрганиш жуда катта амалий ва назарий аҳамиятга эга.

Жинс-тур муносабатини ифодалаш асосида боғланган сўзлар қаторидаги элементлар орасидаги лексик-семантик муносабатларни, яъни гипо-гиперонимик алоқаларни тил тизимидаги мустақил лексема ва луғавий birlikлар ёрдамида ифодаланишини ўрганиш жараёнида ҳақли бир савол туғилади: Гипо-гиперонимик лексик парадигмаларни ҳосил қилган сўзлар қатори тил тизимида ўзаро парадигматик ассоциатив бир-бирини эслатиб туриш муносабатлари мавжудми?

Дарҳақиқат, тил birlikлари орасидаги систем парадигматик алоқалар айни шу тилда алоҳида-алоҳида кичик тизимларнинг ажратилиши ва микротузилишларнинг элементлари орасидаги систем-парадигматик алоқалар билан чамбарчас боғланган. Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади. Тилдаги жинс-тур муносабатини ифодалаш асосида боғланган сўзлар тизими, яъни гипо-гиперонимик қаторларнинг ўзи лексик парадигмаларни ҳосил қила оладими? Бу муҳим масаланинг тилшуносликда ижобий тарзда ҳал этилиш элементлари жинс-тур муносабатини ифодалаш асосида боғланган луғавий микротузилишларни ажратиш қанчалик объектив асосга эга эканлигини аниқлашга имкон беради. Шунинг учун ҳам бу муҳим масаланинг тўғри ҳал этилиши систем тилшуносликда, айниқса, лексикологияда жуда катта аҳамиятга эга. Жинс-тур муносабатини ифодалаш асосида боғланган гипонимик парадигмаларни ўрганиш ва уларни алоҳида кичик тизимлар сифатида ажратишни ҳисобга олганда тилшуносликда бундай муносабатни ўрганишга бўлган эътибор ортиб бормоқда.

Биз гипонимия ҳамда сўзларнинг гипо-гиперонимик

қатори атамалари остида маъносига кўра объектив борлиқтаги жинс-тур муносабатини ифодалашга хизмат қиладиган сўзлар қаторини, лексик парадигмаларни тушунамиз. Сўзларнинг синонимик қатори: а) гипероним, б) гипонимдан иборат.

*Гипероним* жинс белгисини билдирган предметнинг номини ифодаловчи кўпгина маъноларни семантик жиҳатдан умумлаштирувчи микротизимнинг марказий сўзи, доминантаси сифатида намоён бўлувчи луғавий бирликдир.

*Гипоним* — маълум жинс турларининг номларини ифодаловчи ҳамда ўзининг семантик таркибида инпликация тарзда жинс маъносини ифодаловчи таркибда сўзни бириктириб келган, семантик жиҳатдан гиперонимга нисбатан бой бўлган луғавий бирлик.

Ўзбек тилидаги худди мана шу гипероним ҳамда гипоним орасидаги семантик ҳамда логик-семантик алоқалар устида икки оғиз сўз юритмоқчимиз.

#### ГИПОНИМ ВА ГИПЕРОНИМ ОРАСИДАГИ ЛОГИК-СЕМАНТИК АЛОҚА

Гипоним тушунчаси, семантик-функционал маънода луғавий бирликларда ифодаланган мазмун ва белгилар билан характерланади. Бу маъно ва белгилар эса бевосита объектив борлиқтаги умумийлик тушунчаси билан боғлиқдир. Айни бир аниқ тил эгалари онгида гипероним жинс тушунчасини ифодаловчи сўзларнинг аниқ равшан тушунчаларини ифодаловчи луғавий бирликлар сифатида намоён бўлади. Масалан: *дарахт* гипероними объектив борлиқта мавжуд бўлган аниқ предмет сифатида худди шу объектив борлиқ ҳодисалари билан боғлангандир. Айни шу *дарахт* сўзи жинс маъносини ифодаловчи сўз сифатида дарахтнинг барча турларини ифодаловчи сўзларнинг мантиқий (логик)-семантик жиҳатдан ўзига хос лексик-семантик муносабатга асосланган лексик-семантик гуруҳ ҳосил бўлади. Шунинг учун *дарахт* сўзи ўзининг алоҳида-алоҳида турини ифодаловчи ҳар бир луғавий бирлик билан алоҳида-алоҳида лексик-семантик алоқага кириша олади. Чунончи: *дарахт*, *қайин* сўзлари орасидаги гипогиперонимик алоқа *дарахт — ел*, *дарахт — қайин* сўзлари орасида ҳам бирдай сақланади. Бу ўрнида *дарахт* сўзига нисбатан унинг барча бошқа турларининг ном-

ларини ифодаловчи сўзлар тенг қийматга эга. Тур номини ифодаловчи ҳар бир сўз шу турнинг ўзи мансуб бўлган жинс номини ифодаловчи сўз билан логик-семантик жиҳатдан бирикиб, гипо-гиперонимик парадигмани ҳосил қила олади.

Иккинчи томондан, *дарахт* тушунчаси умумий бир бутун, аниқ, реал тушунча сифатида *бута* ва *майса* сўзлари билан боғланади. Мана шу қарама-қаршиликда умумийлик тушунчасининг реал, аниқ характерга эга эканлиги ҳақидаги диалектик маълумот яққол намоён бўлади. Бу ўринда *дарахт* гиперонимининг ўзида умумийлик ва хусусийлик тушувчалари орасидаги алоқадорликни кўриш мумкин. *Дарахт* гипероними жинс тушунчасини ифодаловчи сўз сифатида биринчи навбатда шу жинснинг турларини ифодаловчи сўзлар билан боғланади. Тур тушунчасини ифодаловчи луғавий бирлик ўрнида қўлланиши мумкин. Лекин жинс тушунчасини ифодаловчи сўз гипероним, тур тушунчасининг номини ифодаловчи луғавий бирликлар гипонимлар ўрнида қўлланганда тур маъносини тўлиқ ва аниқ тарзда ифодаламайди. Шунинг учун ҳам бизнинг онгимизда мавжуд бўлган тур тушунчасининг тилда аниқ ифодаланишига эҳтиёж туғилади. Худди мана шу эҳтиёж тур тушунчасининг нутқда аниқ аниқловчиларга (луғавий ифодаларга) эга бўлиши билан белгиланди. *Майса*, *бута*, *дарахт* оппозициясида *дарахт* умумий тарзда аниқ луғавий бирликларни мужассамлаштирувчи ягона, реал монолит сўз тарзида намоён бўлади. Тилнинг луғат тизимида гипо-гиперонимик муносабат асосида боғланган лексик парадигмаларнинг мавжудлиги ва уларнинг объектив хусусиятга эга эканлиги объектив борликдаги умумийлик ва хусусийлик тушунчалари орасидаги алоқадорлик ҳамда мана шу алоқадорликнинг нисон онгида умумийлик ва хусусийлик тушунчаларининг ифодаси сифатида аниқ аке этиши билан бевосита боғлиқдир. Биз кундалик турмушда ҳар донм ҳам тур тушунчасини нутқда аниқ ифодалашга эҳтиёж сезмаймиз. Аксинча, предметларнинг белгилари ҳақида фикр юритиб, уларни умумлаштирган ҳолда баён қиламиз.

Тилда ва нутқда гиперонимнинг кенг миқёсда тарқалганлиги ва истеъмол қилинишининг биринчи сабаби шу билан характерланади. Иккинчи муҳим сабаби эса, тилнинг тафаккурнинг шакли ва муомала воситаси си-

фатида шу тил тизимидаги ўзаро ономосиологик алоқаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам маълум бир жинс номи айтилган бир тилда мавжуд бўлган ҳолда мазкур тил шу жинснинг аниқ турларининг, ҳаттоки, турчаларнинг номини ифодалаш имкониятига эгадир. Тилдаги барча аниқ отлар семантик жиҳатдан жинс тушунчасининг номини ифодалаб келса ҳам, лингвистик жиҳатдан гипероним бўла олмайди. Чунки бунда гипероним (жинс номи) ҳар доим ҳам айтилган бир аниқ тилда жинс-тур номини ифодаловчи мустақил луғавий бирликлар ва лексемалар билан ўзаро боғланган лексик парадигмаларни ҳосил қила олмайди. Чунки, ўзбек тилида *кенгуру* сўзи гипероним бўла олмайди. Чунки бу тил кенгурунинг алоҳида-алоҳида белгилари билан ажралиб турувчи турларини ифодалаш учун махсус ихтисослашган мустақил луғавий бирликларга эга эмас, бизга маълум бўлган *митти кенгуру*, *мушук кенгуру* каби номинатив бирликлар эса, гарчанд тур номини ифодалаб келса ҳамки, ўзининг қурилишига кўра сўз бирикмаси бўлганлиги учун ҳам, *кенгуру* сўзи билан боғланиб, гипо-гиперонимик кичик тизимни ҳосил қила олмайди. Демак, гипероним билан семантик жиҳатдан жинс тушунчасининг номини ифодалаб келган сўзлар орасидаги ўзаро фарқ логик-семантик фарқ эмас, балки лингвосистем фарқдир.

Логик-семантик муносабат доирасида барча турдош аниқ отлар ўзаро жинс-тур муносабатини ифодалаш асосида боғланади. Лекин юқорида асослаб берилганидек, уларнинг ҳаммаси ҳам гипо-гиперонимик лексик парадигмаларни ҳосил қила олмайди. Худди шунинг учун ҳам гиперонимга таъриф берилганда аниқ тилнинг луғат таркибидаги луғавий бирликларнинг маълум гуруҳида сўзларнинг ўзаро муносабатидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш керак, чунки гиперонимнинг таърифи лингвосистем характерга эга бўлиши лозим.

1. Гипероним жинс-тур муносабати асосида боғланган умумлаштирувчи маънога эга бўлган мустақил луғавий бирликлар қаторидаги доминанта (сўз).

2. Гипероним — сўзларнинг гипо-гиперонимик қаторидаги жинс номини ифодаловчи сўз.

3. Гипероним — шу жинс турларининг номларини ифодаловчи мустақил луғавий бирликларга нисбатан семантик ҳолатда намоён бўлувчи жинс номи гиперонимнинг мавжуд томонларининг белгисига кўра ҳамда


кўп ҳадлигига кўра унга кўплаб таъриф бериш мумкин. Лекин бу таърифлар ичида гиперонимнинг характерини тўлиқ очишга хизмат қила оладиган таъриф бу гипероним ва гипонимнинг ўзаро муносабатидан келиб чиққан мавжуд лингвистик оппозиция асосида лингвистик элементларнинг систем белгисига асосланиб берилган таърифдир.

Кўриниб турибдики, гипоним бўлмас экан, гипероним ҳам тилда ифодаланмайди. Демак гипероним каби гипоним ҳам соф лингвистик тушунча экан, гипоним бу тур тушунчасининг тилнинг мустақил луғавий бирликларидан иборат шундай ифодасидир. У бевосита шу турга мансуб бўлган жинс номини ифодаловчи луғавий бирликлар билан боғлиқ бўлади. Тилда гипероним ифодаланмас экан, гипоним ҳам ифодаланмайди. Худди мана шу ўринда гипоним ва гипероним орасидаги ўзаро мутаносиблик ўзаро лингвистик алоқа, яъни гипонимнинг ҳам лингвосистем характерга эга бўлган тил ҳодисаси эканлиги яққол намоён бўлади. *Балиқ* сўзи *сазан*, *олабуға* каби балиқ номини ифодаловчи луғавий бирликлар ўзбек тилида мавжудлиги учун ҳам гипероним бўла олади. Фақатгина *бақра*, *лаққа*, *сазан* сўзлари асосидагина *электрли лаппак балиқ* сўзининг гипоним эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Таркибига кўра сўз бирикмаси ҳисобланган *электрли лаппак балиқ* атамаси бир томондан ўзи билан бир парадигматик қаторда турувчи номинатив бирлик сифатида *бақра*, *лаққа*, *сазан* сўзлари билан боғланади. Иккинчи томондан, *балиқ* сўзига нисбатан шу жинснинг алоҳида бир турнинг номини ифодаловчи сўз сифатида *балиқ* сўзи билан боғланади. Шу ўринда *электрли лаппак балиқ* атамаси гипоним бўла оладими, деган савол туғилади. Тур тушунчанинг номини ифодаловчи номинатив бирликларнинг лингводуалистик хусусиятга эга эканлиги яққол намоён бўлади. Мантиқий жиҳатдан *электрли лаппак балиқ* атамаси *бақра*, *лаққа*, *сазан* атамалари билан тенг. Улар ўз парадигматик қаторида доминантага тенг маъно ифодалайди, лекин мантиқ ва тилнинг дунёси ҳамда тадқиқот манбаи бир-биридан фарқ қилади.

Гарчанд *электрли лаппак балиқ* бирикмаси ва *бақра* сўзлари мантиқий семантик жиҳатдан ўзаро ўхшаш бўлса ҳам, ўзининг шакли ва тил доирасидаги мавжуд белгиларига кўра, бошқа-бошқа ҳодисалар сифатида

баҳоланади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам номинатив бирлик, лекин биринчиси шакл таркибига кўра сўз бирикмаси, бир қатор мустақил луғавий бирикларнинг яхлит бир тизим сифатида боғланишдан таркиб тэвган аниқ тил модели сифатида шаклланган бирикмалардир. Айнан мана шу қиёслаш *электрли лаппик балик, қалқонли чўртан* каби сўз бирикмалари билан *бақра, лаққа, сазан* сўзлари орасидаги ўзига хос томонларини фарқлаш ва ҳар икки ҳодисани ўзаро ажратиб имконини беради. Демак гипоним атамаси остида биз тўла маънода бирор-бир жинс тушунчасига нисбатан шу жинснинг алоҳида-алоҳида турларининг номини ифодалашдаги тилнинг луғавий имкониятларини тушунамиз. Шундай экан, айтиш мумкинки, гипероним атамаси ва тушунчаси каби гипоним ҳам жинс-тур муносабатини ифодалашнинг тил доирасидаги мантиқий имкониятлардан ва сўзлараро систем (парадигматик) алоқадан келиб чиққан бир тил доирасидаги аниқ систем ҳодисадир.

Гипоним ҳамда гипероним орасидаги логик-семантик муносабат ва алоқа устида шуни айтиш мумкинки, гипонимик қаторлар кўп элементли бўлади. Яъни ўз таркибида камида 2 элементни сақлайди. Ўз навбатида, уларнинг бири гипероним минимум, иккинчиси гипоним бўлиб келади, чунончи: *товуқ, хўроз, мокиён, жўжа* гипонимо-гиперонимик қаторида *товуқ* гипероним, қолган барча сўзлар гипоним бўлиб келади. Чунки, гипонимнинг семантик таркибида умумий маъно жинс семаси билан бир қаторда дифференциал сема тур семаси ҳам ифодаланган бўлади. Шунинг учун ҳам гипонимлар ҳеч бир контекстда, ҳатто умумлаштирувчи интеграл аниқловчилар ёрдамида ҳам гиперонимнинг ўрнида қўлланила олмайди. Чунки гипонимда интеграл маъно ифодаловчи қисм билан бир қаторда, дифференциал семага эга бўлган қисм ҳам мавжуд. Сўзларнинг гипонимик уя луғатида эса гипоним-гипероним билан бирга ва фақат гипероним воситасида аниқланади.



Мазкур алоқа доирасида гипероним **а**, гипонимлар **б, ц, д, е** билан ифодалангани деб қарайдиган бўлсак, бу ўринда **б, ц, д, е** ҳар бир гипо-гиперонимик қаторнинг алоҳида-алоҳида мустақил элементи сифатида **А** билан боғланиб гипо-гиперонимик микротизимни ҳосил қила олади.

А ___ б	<i>дарахт—қайин</i>
А ___ ц	<i>дарахт—терак</i>
А ___ д	<i>дарахт—ел</i>
А ___ е	<i>дарахт—тол</i>

Гипероним ифодаланмаган тақдирда айни бир жинсга мансуб предметларнинг номларини ифодаловчи, лекин мазкур тилда мустақил луғавий бирликлар воситасида ифодаланмаган номинатив бирликлар орасида логик-семантик алоқа йўқолмайди, лекин бу бирликлар орасидаги ўзаро семантик алоқа асосида боғланган гипо-гиперонимик муносабат ҳосил бўлмайди. Чунки, гипонимия тушунчаси юқориди батафсил очиб берилгандек, мантиқий тушунча эмас, балки соф лингвистик ҳодисадир. Худди мана шунинг учун ҳам денотатларнинг вазифасига кўра, яъни умумий тарзда бир хил фаолият бажаришини ифодаловчи сўзлар қаторини гипонимия сифатида баҳолаб бўлмайди. Бундай вазифадорлик асосида боғланган сўзлар қатори бугунги кунга қадар умумий тилшуносликка ҳам, шунингдек, туркийшуносликда ҳам ўрганилган эмас. Шунинг учун ҳам биз бундай сўзлар қаторини сунъий термин—функционализм ёрдамида ажратамиз, чунки аниқ бир тилда гипероним жинс номини атовчи сўз ифодаланмаса, тур тушунчасининг номини ифодаловчи сўзларни гипоним сифатида баҳолаш мумкин эмас. Чунки гипо-гиперонимик микротизимларнинг асосини жинс номини ҳамда шу жинсга мансуб турларнинг номларини ифодаловчи луғавий бирликларнинг барқарор систем алоқаси ташкил қилади. Шунинг учун ҳам сўзларнинг гипонимик қатори жинс тушунчасининг номи ва тур белгисининг номини фарқловчи умумий лексик ифода билан боғланган луғавий парадигмаларга айтилади. Лексик гипонимик парадигмалар ҳар доим дунёдаги барча тилларда очиқ луғавий микротизимларни ташкил қилади. Бу шун-

дай микротизимки, унинг таркиби узлуксиз янги элементлар билан бойиб боради. Айни замонда худди мана шу янги элементлар орасида ўзаро янги маъно муносабатларининг ҳосил бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам тил ўзининг луғат таркибида мавжуд бўлган гипо-гиперонимик парадигмаларни бойитиш соҳасида чексиз имкониятларга эга. Бу имконият ҳар бир тилнинг ички имкониятлари, яъни тилда янги сўз ва атамаларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, бошқа тиллардак сўз ва атамаларни тўғридан-тўғри қабул қилиш билан боғлиқдир. Масалан: *дарахт* гипонимик қатори сўнгги йилларда чет тиллардан *дарахт* номини ифодаловчи бошқа кўпгина сўзларни қабул қилиб, тўғридан-тўғри қўллаш натижасида бирмунча бойиб борди.

Шу билан бир қаторда, тескари жараён ҳам мавжуд. Чунончи, кўпгина сўз ва терминлар истеъмолдан чиқиши билан гипонимик парадигмаларнинг таркибига кирувчи луғавий бирликларнинг миқдори кескин камайиши ҳам мумкин, лекин гипонимик парадигмаларнинг очиқ характери бир қатор ўзига хос систем семантик алоқаларнинг вужудга келишига асос бўлади. Гипоним ҳамда гипероним орасидаги бундай систем-семантик муносабатлар нафақат гипонимик микротизимнинг ўз элементлари ичида, балки яхлит бир тизимни ташкил қилувчи тилнинг луғат таркибидаги сўзлар орасида ҳам мавжуддир. Шундай ўзига оқшиқларидан бири ўзбек тили луғат тизими орасидаги гипо-гиперонимик парадигмаларнинг элементлари ичидаги гипоним ҳамда гипероним орасидаги ўзаро семантик муносабатдир.

## ГИПЕРОНИМ ВА ГИПОНИМ ОРАСИДАГИ СЕМАТИК АЛОҚА

Гипероним тушунчасининг ўзи серқирра, кўп ҳадли ҳамда кўп йўналишга эга бўлган тушунчадир. Бу эса айни бир гипо-гиперонимик қатор (парадигма) дан айни бир жинснинг турли турларининг номини ифодаловчи гипонимларнинг ифодаланишига имкон беради. Ўз навбатида, бундай кўп элементли гипо-гиперонимик қаторлар бевосита полисемия (кўп маънолилиқ) ва омонимия (шаклдошлиқ) ҳодисаларни билан боғлиқ бўлади. Жумладан, ўзбек тилидаги *дарахт* номлари дастлаб икки гуруҳга бўлинади. *Мевали дарахтлар* ҳамда *манзарали дарахтлар*; тилимизда мевали дарахтлар ҳам ўз мевалар

сининг номи билан аталади. Чунончи, *тут* (тут дарахти), *олма* (олма дарахти), *ўрик* (ўрик дарахти), *нок* (нок дарахти), *шафтоли* (шафтоли дарахти) ва ҳ, к. Бу сўзлар бир томондан мева гипероними билан боғланиб, *мева*, *олма*, *ўрик*, *нок*, *шафтоли*, *гилос* гиперонимик қаторини ҳосил қилса, иккинчи томондан дарахт гипероними билан боғланиб, *дарахт*, *олма*, *ўрик*, *нок*, *шафтоли*, *гилос* гипо-гиперонимик парадигмани ҳосил қилади. Бундай икки элементли гипонимик луғавий парадигмалар мазкур парадигмаларнинг систем-семантик хусусиятига кўра алоҳида-алоҳида тадқиқот манбаи бўла олади. Агар биз мазкур тадқиқотимизда тилнинг луғат таркибида мавжуд бўлган лексик лакуналар (бўш хоналар) ҳақида қисқача фикр юритмасак, тилнинг лексик-семантик тизимида гипонимиянинг мавжудлиги, унинг ўзига хос характери очилмай қолиши мумкин. Тилнинг луғат таркибида мавжуд бўлган лексик лакуналар (бўш хоналар) гипо-гиперонимик қаторларда ҳам айти бир жинсга мансуб бўлган турнинг номини ифодаловчи луғавий бирликлар ёрдамида айти шу тилда ифодаланмаган, шунинг учун ҳам нутқда турли тасвирий-аналитик имкониятлар ёрдамида ифодаланувчи номинатив бирликлар тил тизимидаги бўш хоналар тилнинг луғат тизимида ўз ўрнига эга бўлган, лекин махсус луғавий бирликлар воситасида ифодаланмаган сўзларга лексик лакуналар дейилади.

Улар тил тизимида ўз ўрнига эга бўлган луғавий бирликлар ёрдамида зарурият туғилганда жуда тез ва осон тўлдирилади. Луғавий лакуналар объектив борлиқда мавжуд бўлган аниқ предмет ҳақидаги маълум тушунча шу тил эгаларининг онгида мавжуд бўлганда ёки мазкур тилда янги сўзларнинг пайдо бўлиш жараёнида қисқартма сўзлар эркин сўз бирикмалари терминологик бирикмалар ҳам мустақил луғавий бирликлар ва лексемалар сифатида шаклланганда тез ва осон тўлдирилади. Таълим тизимида вужудга келган янги тушунчалар; *гимназия*, *лицей*, *колледж*, *магистр*, *бакалавр* ва ҳ, к.

Ҳар бир гипо-гиперонимик қатор чекланмаган миқдорда луғавий лакуналар (бўш хоналар)га эга бўлади. Бу бўш хоналар айти бир жинсининг турли белгилари билан фарқ қилувчи турларининг номи билан чегараланмаган миқдорда тўлиб бориш имкониятига эга. Чунончи, 10 та балиқ номини билувчи одам учун Зикри-

ла Мирхолиқовнинг луғатида келтирилган балиқ номларининг қолган 490 таси лакуна ҳисобланади. Лексик лакуналар тил луғат тизимининг бойиб боришида энг самарали воситалардан биридир. Барча лексик парадигмалар, шу жумладан, гипо-гиперонимик парадигмалар ҳам чексиз миқдорда лакуналарга маълум жинснинг турли турларининг номини ифодалаш имкониятига эга.

Гипонимия ҳамда гипо-гиперонимик қаторларнинг мавжуд лингвистик белгиларини илмий жиҳатдан асслаш жараёнида гипо-гиперонимик, умуман, гипонимик қаторларнинг тил тизимидаги бошқа лексик парадигмалар, лексик-семантик гуруҳлар билан ўзаро алоқаси устида ҳам тўхталиб ўтамиз. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, тилнинг луғат тизимини тизим сифатида ўрганиш маъносида луғавий бирликларнинг лексик-семантик гуруҳларга, мавзу қаторларига ажратиш, сўзларнинг лексик-семантик майдонини белгилаш устидаги ишлар ўзининг тарихий йўлига эга бўлса ҳам, систем лексикологияда жуда кўп лакуналар (бўш хоналар) мавжуд. Қайсики, лексик-семантик гуруҳларнинг муносабатларни, майдонларни, мавзу қаторларини аниқлаш юзасидан тадқиқот ўтказиш жараёнида жуда кўп қийинчиликлар ва ноқулайлик туғдиради. Худди мана шундай лакуналардан бири гипонимия, гипероним ҳамда гипоним атамалари ёрдамида тўлдирилади. Ўзбек тили луғат қатламидаги луғавий бирликлар орасидаги семантик ҳамда логик-семантик алоқалар, муносабатлар шу қадар ранг-барангки, уларнинг лексикологияда бугунги кунга қадар қўлланаётган атамалар ҳамда синонимия, антонимия ва ҳатто, гипонимия билан ҳам баҳолаш мумкин эмас, шунинг учун ҳам биз юқоридаги атамаларга аналогия тарзида қуйидаги сунъий атамаларни ҳам кўрсатиб ўтамиз.

Бу атамалар сўзлар орасидаги семантик ҳамда мантиқий-семантик муносабатларни ифодалашга хизмат қилади, чунки мазкур лексик парадигмаларнинг ўзи сўзлар орасидаги ўзаро семантик ҳамда мантиқий-семантик муносабатларнинг, лексик-оппозиция муносабатларининг хусусиятидан келиб чиққан луғавий парадигмалар бўлиб, улар:

1. *Партонимия* (лотинчадан *partis* — қисм, гуруҳ ва грекчадан *номос* — ном).

2. *Функционимия* (лотинчадан *funksiya* — фаолият, *люс-номос* — ном).

3. *Градуснимия* (лотинчадан *gradus* — даражалар, *номос* — ном).

4. *Иерархиснимия* (грекчадан *xiros* — кетма-кет жойлашиш) каби лексик-семантик муносабатлар билан чекланмайди.

Бизнинг тадқиқот манбаимиз гипонимия эса, ўз навбатида, худди шу лексик-семантик қаторлар билан қоришиб кетади. Тилнинг лексик-семантик тизимида мавжуд бўлган гипонимия муносабатларининг кўлами ва ҳажмини аниқ белгилаш мақсадида гипо-гиперонимик қаторлар билан партонимик функционимия, градуонимия ҳамда иерархионимик қаторларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ажратишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

#### ГИПОНИМИЯ БИЛАН ЁНДОШ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МУНОСАБАТ ТУРЛАРИ

*Партонимия* атамаси остида семантик ҳамда логик-семантик йўналишда бутун-бўлак тушунчасини ифодалаш асосида боғланган сўзлар қаторини тушунамиз

Чунончи, *ўсимлик, илдиш, шох, барг* партонимия атамаси гарчанд янги ва сунъий атамаси бўлса ҳам, сўзлар орасидаги ўзаро партатив, яъни бутун-бўлак муносабатларини белгилаш жуда қулай.

*Функционимия* атамаси остида денотатларнинг ўзаро бир хил ёки яқин вазифа бажариши асосида ҳосил булган сўзлар қатори тушунилади. Маълумки, денотатларнинг фаолиятидаги бир хиллик ёки ўзаро ўхшашлик уларнинг номларини ифодаловчи сўзлар орасидаги лексик-семантик алоқадорликка асос бўлади.

*Қалам, ручка, мўйқалам* денотатлари орасидаги ўзаро бир хил фаолият лексик-семантик гуруҳларнинг ҳосил бўлишига асос бўлади.

*Градуонимия* атамаси остида денотатларнинг ёки тушунчаларнинг турлича даражасини ифодаловчи луғавий бирликлардан иборат лексик-семантик қаторлар тушунилади: *тузук, дуруст, яхши*.

*Иерархионимия* атамаси остида семантик жиҳатдан ўзаро бириқиш, яъни иерархия, поғоналаниш муносабати асосида боғланган сўзлар қаторини тушунамиз: *нарса, ўсимлик, дарахт* сўзлари орасидаги семантик

муносабатлар, алоқалар, шубҳасиз, семантик алоқанинг биз юқорида кўрсатиб ўтган турлари билан чекланмайди. Улар бир қадар кўп ва турли-тумандир.

Биз юқорида бир қатор тилшунослар томонидан партономиянинг алоҳида лексик-семантик гуруҳ сифатида ажратилмаганлигини, у гипонимиянинг бир тури сифатида баҳоланганлигини кўрсатиб ўтдик. Шу билан бир қаторда, гипо-гиперонимик ҳамда партономик қаторлар орасидаги семантик фарқлар ҳам қисман кўрсатиб ўтилди. Бу ўринда шунини алоҳида таъкидлаш керакки, гипонимия билан партономия орасидаги фарқ, уларнинг семантик жиҳатдан ўзига хослигида эмас, аммо бу тил воситаларни мантиқий (логик) жиҳатдан ҳам ўзаро фарқ қилади. Агар гипероним умумийлик тушунчасини ифодаласа, бутун тушунчасини ифодаловчи сўз яхлитлик маъносини англатади. Мана шу фарқдан келиб чиққан ҳолда партономик ва гипонимик қаторларни ўзаро қийслаймиз.

1. Наср, роман, қисса, ҳикоя, очерк, латифа.

2. Китоб, муқова, варақ, саҳифа.

Бу ўринда *наср* гипероними семантик жиҳатдан умумийлик тушунчаси билан боғланади. Қайсики, бу сема унинг барча турларида мавжуд, *китоб* сўзи эса бутунлик тушунчаси билан боғланган ҳолда аниқ отларнинг барчасига алоқадордир. Шунинг учун ҳам *наср* гипероними шу гипо-гиперонимик қатордаги ҳар бир гипоним билан алоҳида-алоҳида боғланади.

Бу қатордаги барча сўзлар ўзаро тенг, ягона сема асосида боғланган бўлакларга эга бўлганлиги учун ҳам гапда ўзаро эркин тарзда ўрин алмаштира олади. Чунончи, *наср*да қофия шарт эмас. Бу ўринда *наср* гиперонимининг ўрнини шу лексик парадигмадаги исталган унсур (гипоним) эгаллай олади. Масалан, *романда қофия шарт эмас, ҳикояда қофия шарт эмас, қиссада қофия шарт эмас, очеркда, латифада қофия шарт эмас*. Бундай ҳолни партономик қаторларда учратиш мумкин эмас, чунки китобнинг ўзига хос мавжуд белгилари муқова, варақ, саҳифа сўзлари орқали ифодаланувчи предметларнинг мавжуд белгилари бир-биридан тамомила фарқ қилади. Гиперонимнинг маъноси, ўз навбатида гиперонимларнинг умумий белгиси барча гиперонимларда ифодаланган умумий интеграл сема ёки тенг бўлаклардир. *Китоб* сўзининг маъноси унинг қисмларини ифодаловчи сўзларнинг умумий маъно қийматидан

келиб чиқмайди, чунки мазкур партонимик қатордаги биринчи сўз (китоб) охириги сўз (саҳифа)га нисбатан анта катта, чунки бу сўзнинг ифодаловчи денотат, яъни *китоб* бутунлик тушунчасини англатиб келади. *Саҳифа* эса шу бутунлик таркибидаги энг кичик қисм, бўлак.

Партонимик ҳамда гипонимик қатордаги сўзлар орасида мавжуд бўлган семантик ва маънавий семантик фарқлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бу икки хил бир-биридан фарқ қилувчи алоқалар асосида ҳосил бўладиган қаторларни ўзаро гипонимик муносабат асосида ҳосил бўлган лексик парадигмалар сифатида баҳолаш тўғри эмас. Гипонимик ҳамда партонимик қаторларнинг ҳар бирини ҳосил қилувчи луғавий birlikлар орасидаги ўзаро семантик алоқалар бир-биридан кескин фарқ қилади. Бу қаторларнинг ҳар бири ўзининг семантик табиати ва мавжуд лингвистик белгиларига кўра алоҳида-алоҳида луғавий кичик тизимларни ҳосил қилади. Худди шунинг учун ҳам бу кичик тизимларнинг ҳар бирини тадқиқ қилишда махсус ёндашув зарурдир. Бу сўзлар орасидаги гипо-гиперонимик муносабатларни ўрганишга бағишланган мазкур ишимизда партонимия билан боғлиқ алоҳида назарий муаммолар устида тўхталмаймиз.

Функционимия, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, гипонимияга жуда яқин туради. Ўз навбатида, функционимик қаторлар гипо-гиперонимик қаторлардан биргина гиперонимнинг ифодаланмаслиги билан фарқ қилади. Функционимлар тилшуносликда умуман ажратилмаган лексик-семантик қаторлардир. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, функционимик қаторларни назарий жиҳатдан тадқиқ қилишда ўзига хос томонлар билан бир қаторда, функционимик қаторларнинг гипонимик қаторлар билан ўзаро алоқадор томонларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Ўзбек тилида функционимик қатор сифатида қуйидаги сўзлар тизимини кўрсатиш мумкин:

1. *Стул, ўтирғич, курси, кресло.*

2. *Уи, ҳовли, хонадон, айвон* ва ҳ. к.

Градуонимия гипонимия билан чамбарчас боғланади, ҳатто баъзан қоришиб ҳам кетади: *бола, нинни, чақалоқ, гўдак*. Бу қатордаги сўзлар бир қараганда гўё *бола* гипероними остида бирлашгандек кўринса ҳам *бола, нинни, чақалоқ, гўдак* сўзлари билан *гул, райҳон,*

лола, атиргул сўзлари орасидаги семантик алоқалар бир-биридан фарқ қилади. Мана шу ўзига хослик бу луғавий парадигмаларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ёндашишни тақозо этади.

Иерархионимия ва гипонимия орасидаги ўзаро алоқалар илмий атамалар билан умумистеъмолдаги сўзлар орасидаги алоқа билан белгиланади. Иерархионимия, юқорида кўриб ўтганимиздек, бу илмий адабиётларда берилган сўзларнинг гипонимик қаторидир. Жумладан, грамматик атамашуносликда *от, турдош от, атоқли от, аниқ от, мавҳум от* ва ҳ. к. каби иерархик қатор мавжуд. Иерархионимик алоқалар умумистеъмол лексикасидаги луғавий бирликлар учун ҳам хосдир. Чунончи, *ўсимлик, дарахт, бута, майса* ва ҳ. к. Кўриниб турибдики, умумистеъмол сўзлари орасидаги бундай семантик алоқалар систем лексикологияда алоҳида тадқиқот объекти сифатида хизмат қила олади. Юқорида айтилган фикрлар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, гипонимия — сўзларнинг гипо-гиперонимик қатори ўзбек тили луғат қатламида мавжуд бўлган шу тизим ичидаги объектив реалликнинг ўзбек тили лексикасини тизим сифатида ташкил этадиган категориясидир. Гипо-гиперонимик муносабат асосида боғланган луғавий қаторларнинг ўрганилиши бизнинг ўзбек тили луғат таркибини тизим сифатида ташкил топганлиги, систем характерга эга эканлиги ҳақидаги билимларимизни чуқурлаштириш имконини беради. Ўзбек тили луғат тизимидаги гипонимик қаторларнинг ажратилиши ва назарий жиҳатдан тадқиқ этилиши бизнинг олдимизга гипонимия ва синонимия ҳамда гипонимия ва антонимия орасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш вазифасини қўяди.

### ГИПОНИМИЯ ВА СИНОНИМИЯ

Гипонимия билан синонимия орасидаги ўзаро семантик алоқа жуда мураккаб. Гипонимик қаторнинг барча элементлари ягона, умумий маъно билан боғланади.

Бу маъно гипонимик парадигманинг доминантасида ифодаланади. Гипонимик қаторнинг доминантаси эса гипероним бўлиб келади. Чунончи, *гул* семаси, *гуллола, райҳон, атиргул* қаторидаги сўзларнинг барчасида зарурий қисм сифатида ифодаланади. Худди мана шу муносабат доирасидаги сўзлар орасида ҳам синонимик маъно бўёқлари ифодаланган бўлади, лекин гипонимик

парадигмаларнинг ҳар бир элементи ўзининг хусусий маъносига эга. Бу хусусий маънолар гипонимик қатордаги сўзлар ифодалаган тушунча ва денотатлар билан бевосита боғлиқ бўлади.

Шу маънода гипо-гиперонимик қатордаги луғавий бирликлар орасида синонимик маъно бўёқлари ифодаланмайди, лекин нутқ вазияти (ситуация) билан боғлиқ равишда гипонимнинг хусусий маъноси нейтраллашиб, гипоним ўрнида гиперонимни қўллаш мумкин бўлган вазиятда гипо-гиперонимик қатордаги луғавий бирликлар синонимик бўёқлари орқали боғланади. Гипонимик парадигма бирликлари орасидаги синонимик муносабатлар, ўз навбатида, сифатларда субъектив баҳо маъносини ифодаловчи луғавий бирликлар қатори орасидаги маъно муносабатларини *яши, тузук, дуруст* сўзлари, шунингдек, нутқ феъллари орасидаги семантик алоқаларни эслатади. Бир сўз билан айтганда, гипонимик қаторлар орасидаги синонимлик нисбий контекстуал ситуатив характерга эга.

Ўз-ўзидан маълумки, гипонимик қаторларда антонимик маъно бўёқлари ифодаланмайди. Бу, ўз навбатида, гипонимик парадигмаларнинг унсурлари у ёки бу тур белгисини ифодалашга хизмат қилишини кўрсатади.

Жинс-тур номини ифодалаш жараёнида эса мазкур жинснинг бирор-бир турини инкор қилиш кузатилмайди. Чунончи: *Бу қайрағоч эмас, қайин*. Бу контекстда *қайин* ва *қайрағоч* сўзлари бир-бирини инкор қилмайди, бир-бирининг қарама-қарши белгисини атамайди, балки уларнинг ҳар бири шу турнинг белгисини тасдиқлайди, лекин баъзан нутқий вазият билан боғлиқ ҳолда контекст доирасида гипонимлар ўзаро антонимик маъно бўёқлари асосида ҳам боғланади. Бундай ҳолларда гипонимлар контекст доирасидаги ўзаро антонимлар сифатида намоён бўлади. *Толдай қалтираманг, чинордай маҳкам туринг, Йўқ у қўй эмас, қўчқор* гипонимиянинг синонимия ва антонимия билан ўзаро алоқаси устида тўхталар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, гипо-гиперонимик қатордаги ҳар бир гипоним ва ҳатто гипероним ҳам луғавий бирликларнинг ўз маъноси билан боғлиқ ҳолда ҳам, кўчма маъноси билан боғлиқ тарзда ҳам ўзининг антонимига ва синонимига эгадир. Ўзбек тили лексикологиясида гипонимик муносабатнинг мавжудлигини назарий жиҳатдан асослаш жараёнида қуйидаги хулосага келдик:

1. Гипонимия ўзбек тили луғат тизимини тизим сифатида тушунишнинг имконият ва турларидан бири бўлиб, объектив борлиқ билан боғлиқ реал тил ҳодисаси сифатида жинс-тур муносабатининг ифодаланиши асосида ташкил топган сўзлар қаторидир.

2. Гипонимия — тил лексик қатламини тизим сифатида ташкил этишнинг имкониятларидан бири сифатида партонимия, функциономия, градуонимия ҳамда иерархионимия билан қўшилиб кетади, лекин улардан бирортасига ўтмайди ва бирортасини қопламайди.

3. Ўзбек тилининг луғат тизимида гипо-гиперонимик қаторларнинг мавжудлиги тилдаги объектив реаллик эканлиги шу билан тасдиқланадикки, гипонимик қатор элементларининг ўзаро муносабатида сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари орасидаги систем муносабатларда кузатилган мавжуд аналогик муносабат каби ҳодисалар учрайди.

4. Гипонимик қаторлар тилнинг лексик тизимида ҳар доим очиқ луғавий микротизимларни ҳосил қилади ҳамда махсус марказий доминанта сўз остида луғавий бирликларнинг лексик-семантик (парадигматик) гуруҳига бирлашади. Бу ўринда жинс номини ифодаловчи сўз гипероним луғавий бирликларнинг ушбу лексик-семантик гуруҳи учун доминанта сифатида таъмин бўлади.

### **ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ АТАМАЛАРГА ОИД ҲАМДА УМУМИСТЕЪМОЛДАГИ ЗООНИМЛАРИ**

Турли типдаги илмий манбаларнинг, жумладан, луғат ҳамда қомусларнинг гувоҳлик беришича, ер юзида уч юз мингдан зиёдроқ ҳайвон яшар экан. Бу ҳайвонларнинг ҳар бири ҳамда ҳар бир ҳайвоннинг у ёки бу белгиси асосида фарқ қилувчи турларининг ҳар бири ўз номига, тилда ўз ифодаланувчисига эга. Чунончи, *туя* — бир ёки икки ўркачли йирик сут эмизувчи иш ҳайвони (жинс номи); *бўғалоқ* — туянинг боласи (тур номи); *моя* — урғочи туя (тур номи); *кор* — бир ўркачли эркак туя (тур номи).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, зоонимлар ниҳоятда кўп бўлганлиги билан уларнинг фақат бир қисмигина ўзбек тилида қўлланилади. Чунки ҳайвон номларининг асосий аксарият қисмини атамалар ва атамаларга оид бирикмалар ташкил қилади. Зоологик атамаларнинг ўзбек тилида ниҳоятда кўплиги зоология фанининг тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз-

бекистонда зоология фанининг шаклланиб, ривожланиб бориши билан баробар ўзбек тилига кўплаб зоологик атамалар ҳам кириб келади. Бу атамаларнинг кўпчилиги рус тили ва бошқа тиллардан таржима қилиш орқали қабул қилинган. Бу ҳолни асосан тур номига атовчи зооатамаларнинг ифодаланишида яққол кўриш мумкин. Жумладан: *Приживальский оти, каспий килькаси, электрли лаппак, электрли угорь* ва ҳ. к.

Жинс номига ифодаловчи зоотерминлар тур номига ифодаловчи зооатамаларга нисбатан бир мунча кам бўлиб, бунга асосий сабаб ўзбек тилида мавжуд бўлган жинс номига ифодаловчи зоонимлар, асосан, шу ҳудудда яшовчи ҳайвонларнинг номига ифодалаганлигидадир.

Ўзбек тилининг зооатамаларни асосан дарслик ҳамда зоологик луғат ва қомусларда ҳамда зоологик мажмуаларда, шу соҳа мутахассисларининг нутқида кенг қўлланилади. Зоологик атамалар умумистеъмолдаги зоонимлардан фарқ қилиб, мураккаб биринкмалардан ташкил топган илмий атамаларни ўз ичига олади. Масалан: *сут эмизувчилар, умуртқали ҳайвонлар, судралиб юрувчилар, совуққонлилар, курак оёқлилар* ва ҳ. к.

Шунинг учун ҳам айни бир жинсга мансуб, ҳайвоннинг турларини ифодаловчи зоологик атамалар шу тур номига ифодаловчи умумистеъмолдаги зоонимларга нисбатан бир неча баробар кўпдир. Чунончи, ўзбек тилининг гипологик атамалари 526 та бўлса, умумистеъмолдаги от номлари 30 тадир.

От — *айғир, байир, байтал, бия, облақ, бедов.*

Шунингдек, ўзбек тилида 70 га яқин балиқ номига кенг истеъмол қилинса, ихтионимлар 500 га яқиндир. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ўзбек тилидаги зоологик атамаларни ўрганиш соҳасида ўзбек тилшунослигида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Бозорова Д., Усмонов С. ва бошқаларнинг ишлари бунга яққол мисол бўла олади. Лекин мазкур ишларда зооатамалар фақатгина тасвирий йўналишда ўрганилиб улар орасидаги лексик-семантик муносабат ва алоқаларни ўрганиш бугунги кунга қадар махсус тадқиқот манбаи бўлган эмас. Шунинг учун ҳам биз зооатамаларни улар орасида мавжуд бўлган ўзаро лексик-семантик ҳамда логик-семантик алоқалар нуқтаи назаридан таҳлил қиламиз. Ўзбек тилининг умумистеъмолдаги зоонимларни орасидаги лексик-семантик алоқа-

ларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ўзбек тили лексикасини яхлит бир тизим сифатида баҳолаш нуқтан назардан жуда ҳам зарурдир.

Ўзбек тилининг умумистеъмолдаги зоонимлари, асосан, ўзбек халқининг хўжалик ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган уй ҳайвонларининг ёки теварак-атрофдаги одамларга яқин яшайдиган турли ҳайвонларнинг номларини ўз ичига олади. Жумладан:

*Қўй* — жуфт туёқли сут эмизувчи уй ҳайвони ва шу ҳайвоннинг урғочи тури.

*Қўзичоқ* — қўйнинг эмадиган боласи.

Тадқиқот натижасида шу нарса аниқландики, умумистеъмолдаги зоонимларни тўплаш ва уларни лексик-семантик алоқа нуқтан назардан изоҳлаш натижасида бу типдаги зоонимлар орасидаги семантик алоқаларни ўрганиш ва бу алоқаларнинг чегарасини аниқлаш билан бир қаторда бундай зоонимларни тўплаш ҳамда изоҳли луғатларга киритиш ҳам жуда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Чунки халқ тилида кенг қўлланилиб келинган кўпгина зоонимлар бугунги кунга қадар изоҳли ва махсус соҳа луғатларига киритилмаган экан. Жумладан: *кўпнак* сўзининг эркак ит маъносини, *тойхар* сўзи 2 ёшдан ошган эшак маъносини ифодалаб келиши луғатларда кўрсатилмаган. Демак, умумистеъмолдаги зоонимлар орасидаги гипо-гиперонимик ҳамда турли типдаги бошқа семантик алоқаларни ўрганиш билан бир қаторда, бундай зоонимларни тўплаш ҳамда уларнинг турли маъноларини аниқлаш ҳам жуда зарурдир. Биз юқорида ўзбек тилининг зоонимлари ҳамда зооатамалари орасидаги умумийлик ҳамда уларнинг бир-биридан фарқ қилувчи томонлари устида қисман тўхталдик. Лекин шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бу икки турдаги зоонимларни ўзаро фарқлаш учун уларнинг семантик таркибидаги ўзига хос фарқни ҳам аниқ белгилаб бериш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бундай лексик парадигма элементлари орасидаги маъно муносабатларини ўрганиш, уларни алоҳида-алоҳида микрогизимларга ажратиш асосида тадқиқ қилиш ўзбек тили луғат таркибини яхлит бир тизим сифатида ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Зоопарадигмалар орасидаги гипо-гиперонимик алоқаларни ҳамда семантик алоқанинг бошқа турларини ўрганишда уларнинг турларини аниқлаш жуда ҳам за-

рурдир. Зоонимларни таркибига кўра қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. *Содда зоонимлар, яъни содда сўз типидagi зоонимлар: от, эшак, ит ва ҳ. к.*

2. *Мураккаб зоонимлар, яъни қўшма сўз типидagi зоонимлар: елқанот, оққўйруқ, оққўтон каби.*

3. *Таркибли сўз бирикмаси типидagi зоонимлар: сувилон, кўк новда, ҳалқали илон, чипор илон ва ҳ. к.*

Сўз бирикмаси типидagi зоонимлар ўзининг таркибига кўра мураккаб зоонимлар бўлиб, бу типдаги ҳайвон номлари асосан илмий атамалар сирасига киради. Бу типдаги зоонимлар учун характерлиси шундаки, улар гипо-гиперонимик парадигматик қаторларни ҳосил қила олмайди. Таркибли мураккаб зоонимлар орасида ўзаро семантик алоқанинг бошқа типлари мавжуд бўлгани учун ҳам бундай зооатамалар бизнинг тадиқот манбаимизга қирмайди.

Ўзбек тили зоонимларининг каттагина қисмини, шу жумладан, умумистеъмол зоонимларининг асосий қисмини биринчи гуруҳ зоонимлари ташкил қилади. Содда зоонимлар тилда содда сўз шаклида ифодаланади. Содда сўз типидagi зоонимлар ўзаро гипо-гиперонимик семантик алоқа асосида боғланган бўлиб, баъзан бу қаторлар орасида градуонимик ҳамда функционимик лексик парадигмаларнинг мавжудлигини ҳам эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи гуруҳ зоонимлари, яъни қўшма сўз типидagi зоонимлар ҳам умумистеъмолдаги ҳайвон номлари орасида салмоқли ўринни эгаллайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қўшма от типидagi зоонимлар, биринчи навбатда, ўзаро гипо-гиперонимик семантик алоқа асосида боғланади. Бу ўринда ҳам баъзи ҳоллардагина қўшма от типидagi зоонимлар орасида функционимик ҳамда градуонимик муносабат асосида ҳосил бўлган лексик парадигмаларнинг мавжудлиги кўрсатилади. Бу типдаги зоонимлар бир жинсга мансуб ҳайвон турини иккинчисидан турли-туман белгиларининг ифодаланиши асосидаги фарқни ифодалайдилар. Қўшма сўз типидagi зоонимлар қўйидаги сўз туркумларига мансуб сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлади:

1. *Икки отнинг бирикуви асосида: елқанот, аррабурун, байроқдум ва ҳ. к.*

2. *Сифат ва отнинг бирикувидан: қорабайир, олақўзон, қизилшитса.*

3. Сон ва отнинг бирикуви асосида: *тўрткўз, бирқозон.*

4. От ва равишдошнинг бирикуви асосида: *бешиктерватор, болтаютар, бўрибосар* ва ҳ. к.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, зоонимларнинг тузилиш турларига кўра фарқлаш (дифференциациялаш) улар орасидаги ўзаро семантик алоқанинг турларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса тадқиқот манбаининг тўғри белгиланишига имкон беради. Шу маънода ҳам зоонимлар орасидаги семантик алоқани изохлашга киришишдан олдин содда ва кўшма зоонимларни мураккаб таркибли сўз бирикмаси типидagi зоонимлардан ажратиб зарур.

Юқорида биз гипо-гиперонимик муносабатлар ўзаро жинс-тур муносабатини ифодалаш асосида ҳосил бўладиган лексик парадигмаларда рўёбга чиқишини илмий жиҳатдан асослаб бердик. Зоонимлар орасида, айниқса, умумистеъмолдаги зоонимлар орасида объектив борлиқдаги жинс-тур тушунчасини ифодаловчи ва шу асосда боғланиб, гипо-гиперонимик лексик қаторларни ҳосил қилувчи ҳар бир элемент, яъни гипоним ёки гипероним сўз микротизим доирасида аниқ бир вазифага эга бўлади. Чунончи, маълум бир жинсга мансуб ҳайвоннинг номини атаб, гипероним бўлиб келади ва шу ҳайвон жинсига мансуб бўлган ҳайвон турининг номини ифодалаган сўз гипоним бўлиб келади. Тур номини ифодаловчи гипонимлар ўзининг турли мавжуд белгиларини ифодалаш асосида номланади, лекин баъзи ҳолларда парадигманинг айни бир элементи ҳам гипероним, ҳам гипоним сифатида бир хил вазифани бажаради.

Ўзбек тили зоонимларининг семантик таркибли таҳлили шунини кўрсатадики, мазкур луғавий бирликлар жинс-тур муносабати асосидаги алоқа туридан ташқари, бошқа маъно семалари асосида ҳам боғланиб, алоҳида кичик тизимларни ҳосил қила олади. Шундай алоҳида лексик-семантик муносабат турларидан, функционалнинг, градуонимия, иерархионимия ҳам зоопарадигмалар орасида кенг миқёсда учрайди. Жумладан, иерархик қаторлар фақат илмий адабиётларда ҳайвонларнинг таснифи берилганда учрайди.

Функционимияни, яъни ўзаро вазифадорликни ифодалаш асосида боғланган сўзлар қаторини қуйидаги

парадигма элементлари орасидаги семантик алоқаларда кўриш мумкин.

*Улов* — *от, хачир, эшак, туя. От, туя, хачир, эшак.* сўзларининг *улов* гипероними остида бир лексик-семантик гуруҳга бирлашуви мазкур ҳайвонларнинг фаолиятидаги бир хилликка асослангандир.

Функционимик лексик парадигмаларга мисол қилиб, ўзбек тилидаги қуш номларини ҳам олиш мумкин. Мазкур парадигма қушларнинг фаолиятидаги бир хилликка, яъни учиб имкониятини ифодалаш асосида ҳосил бўлган бўлиб, парранда гипероними остида бирлашади. *Парранда* функционимик қатори кўп элементли бўлиб, у барча қуш номларини бирлаштира олади.

Умумистеъмом зоонимлари орасида градуал оппозиция асосида ҳосил бўлган лексик парадигмаларнинг мавжудлиги ҳам кузатилади. Бундай лексик-семантик гуруҳлар ҳайвонларнинг ёшидаги ҳамда ўсиш даражасидаги турли-туманлигини ифодалаш асосида ҳосил бўлади. Градуонимия ҳодисасини уй ҳайвонларидан *сигир, от, эшак, қўй, туя*нинг турларини ифодаловчи зоопарадигмаларнинг элементлари орасидаги семантик алоқа ва оппозиция муносабатларида кўриш мумкин. *От: қулун, той, ғўнон, дўлон, тўлон, бешак.*

Чунки маҳаллий аҳолининг кундалик ижтимоий ҳаётида ва турмуш тарзида юқорида кўрсатиб ўтилган ҳайвонлар катта ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам бу ҳайвонларнинг фарқли томонлари улардан ҳар бирининг фарқини яхши ажратиш ҳамда номлаш натижасида бу денотатларнинг ҳар бири ўсиш даражасига кўра алоҳида-алоҳида номланади.

Денотатларнинг худди мана шундай ўсиш даражасидаги фарқини ифодаловчи номлар лексик градуонимик парадигмаларни ҳосил қилади: Чунончи: *от, қулун* (отнинг бир ёшга етмаган боласи); *той* — отнинг икки ёшга етмаган боласи; *ғўнон* — 3 яшар от; *дўлон* — 4 яшар от; *тўлон* — 5 яшар от.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзбек тили зоонимлари, ўз навбатида, бир қанча иерархионимик қаторларни ҳам ҳосил қилади.

Иерархик муносабат асосида боғланган луғавий бирликлар сирасига асосан зоатамаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Зоологик лугатларда ва комусларда ҳайвонларнинг таснифи берилганида шу ҳайвонларнинг ҳар хил турларининг номини ифодаловчи зоонимлар ўзаро боғланиб, иерархионимик микротизимларни ҳосил қилади. Чунончи: *йиртқич қушлар туркуми, қарчиғайлар оиласи, сут эмизувчилар туркуми, китсимонлар оиласи, чумчуқсимонлар туркуми, куракоёқлилар оиласи*; ўзбек тили зоонимлари орасидаги семантик алоқанинг турли турларини ўрганиш натижасида қуйидагича хулосага келиш мумкин: мазкур мавзу гуруҳига мансуб, номинатив бирликлар орасида гипо-гиперонимик муносабат асосида боғланган лексик парадигмалар асосий ўрин эгаллайди, бу ҳолни кўпгина ҳайвон номлари ўзаро жинс-тур муносабати асосида боғланиб, алоҳида-алоҳида лексик-семантик гуруҳларни ташкил қилиши билан изоҳлаш мумкин. Об'ектив борлиқдаги айни бир жинсга мансуб ҳайвоннинг ўзаро турли белгилари билан бир-бирдан фарқ қилувчи турларига эга бўлиш имконияти тилда жинс-тур муносабатини ифодаловчи луғавий бирликларнинг ифодаланишига асос бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кўпгина гипо-гиперонимик қаторларда жинс ва тур номлари алоҳида-алоҳида сўзлар билан ифодаланади. Чунончи: *ки-йик, оху, буғу*. Бу сўзлар тизимида гипероним *кийик* — шохли йирик сут эмизувчи ҳайвоннинг умумий номи; *буғу* — *оху*. Унинг турли белгилари билан ўзаро фарқ қилувчи турларининг номи.

Ўзбек тилидаги зоонимларни ўрганиш натижаларни шунини кўрсатдики, айни бир жинсга мансуб ҳайвон турларининг номларини атовчи сўзлар ўзининг ранг-тусидаги турли-туманлик, турли хилдаги жисмоний белгилари, ёш ва ўсиш даражасидаги фарқи, етилган ҳамда етилмаганлиги, эркак ёки урғочилиги ҳамда ўсиш даражасидаги турли фарқлари асосида алоҳида-алоҳида номланиб, жинс номи билан боғланади, гипо-гиперонимик лексик парадигмаларни ҳосил қилади. Чунончи, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, гипо-гиперонимик қатордаги сўзлар орасидаги ўзаро муносабатлар турли-туманлиги ва турли турга мансублиги билан характерланади. Денотатларнинг қайси белгилари асосида гипо-гиперонимик муносабатга эга бўлган лексик парадигмаларнинг ҳосил бўлиши устида батафсил тўхталамиз. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, гипо-гиперонимик қаторларни ҳосил қилувчи элементларни аниқлаш учун

аввало бундай қаторларни ҳосил қилувчи сўзларнинг тузилишини аниқ чегаралаш муҳим аҳамиятга эга. Бу шу билан изоҳланадики, биз юқорида гипероним ифодалаган умумий сема гипонимнинг семантик таркибида мавжуд бўлгандагина, гипо-гиперонимик лексик парадигмаларни ҳосил қилишни кўрсатиб ўтган эдик.

Гипонимларнинг ифодаланиш имкониятини аниқлаш бу жуда муҳим. Бу шу билан белгиланадики, гипоним ўзининг семантик таркибида қандай умумий ва дифференциал семаларни сақлай олишга қараб гипо-гиперонимик қаторнинг элементи сифатида уни ҳосил қила олишни чегаралаш зарурдир.

Гиперонимнинг семантик таркибида ифодаланадиган асосий маъно ҳар доим жинс маъносидир, масалан: *Ит* — сўт эмизувчи уй ҳайвони (жинс номи); *Товуқ* — урғочи уй паррандаси (жинс номи); *Фоз* — бўйни узун, сувда сузувчи, асли ёввойи бўлиб, хонакнлашган парранда (жинс номи).

Мисоллардан кўриниб турибдики, гипо-гиперонимик қаторда гипероним жинс маъносини ифодаловчи доминанта сўз сифатида намоён бўлади. Гипоним эса минимум икки маънони ўз таркибида сақлаб, қуйидаги шаклларда намоён бўлади.

1. Гипонимлар ўзининг семантик таркибида гиперонимнинг маъносини ифодалаб келган ҳолларда алоҳида сўз шаклида ифодаланаяди. Чунончи, *бузоқ* — мол — молнинг эмадиган боласи; *сигир* — мол — урғочи мол.

Маъзкур турдаги гипонимларнинг семантик таркибида айни бир вақтнинг ўзида ҳам гипонимга мансуб бўлган умумий маъно ҳамда гипонимнинг ўзигагина хос бўлган дифференциал сема ифодаланаяди.

2. Бошқа турдаги гипо-гиперонимик қаторларда гипероним гипонимнинг маъносини ифодаловчи бўлакни ўзининг таркибига ипллид тәрзида бириктириб келяди. Бу турдаги зоонимлар ўзининг мураккаб таркибли эканлиги билан характерланади. Жумладан: *балиқ*, *аррабалиқ*, *буқабалиқ*, *маллабалиқ* каби.

Агар юқорида келтирилган гипо-гиперонимик қатордаги гипонимлар дифференциал маъно ифодаловчи бўлакларсиз қўлланилса, у ҳолда *арра*, *буқа*, *малла* бўлакларсиз *балиқ* гипероними гипо-гиперонимик парадигмани ҳосил қила олмайди. Бу гипо-гиперонимик қаторга мансуб бўлган гипонимлар от, сифат, сон ва бошқа сўз туркумлари билан бирикши асосида ҳосил бў-

ладн. Гипоним тушунчасини ифодалаган сўзлар шу жинсга мансуб ҳайвонларнинг турли белгиларини ифодалаб келади. Масалан: *ара тўти* — ара водийсида яшовчи тўти; *товланма тўти* — юрганда чиройли, пати товланиб турувчи тўти.

Бу иккала гипоним айна бир жинсга — тўти жинсига мансуб қўшнинг турли белгилари билан фарқ қилувчи икки турнинг номини ифодалаб келади. Улардан бири ўзининг яшаш жойини ифодаловчи белгиси билан, иккинчиси ранг-тусининг ўзига хослиги билан фарқланади. Шу фарққа асосланган ҳолда турлича номланади.

3. Учинчи типдаги гипонимларнинг таркибида гипероним тушунчасини ифодаловчи сўз факультатив тарзда қўлланилади. Масалан: *лаққа* (балиқ), *сазан* (балиқ); *тўрткўз* (ит), *олапар* (ит); *саман* (от), *тўриқ* (от), *жийрон* (от). Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур турга мансуб гипонимлар нутқда асосан бўлақларсиз қўлланилади. Бунга асосан гипоним тушунчасини атовчи сўзлар ифодаланади. Жумладан, *саман*, *тўриқ*, *жийрон* каби. Лекин илмий адабиётларда улар ўзининг бўлақларини бириктирган ҳолда тўлиқ ифодаланади: *лаққа балиқ*, *дакан хўроз*, *саман от* ва бошқалар.

Гипонимларнинг бу тарзда тасниф қилиниши зоонимлар орасидаги семантик алоқаларнинг турли типларини аниқлашда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларини шуни кўрсатадигани, гипо-гиперонимик қаторлар таркибига фақатгина у ёки бу даражада ўзининг семантик таркибида гиперонимнинг маъносини ҳамда гипонимга хос дифференциал маънони ифодалаган сўзлар кира олиши мумкин. Гипероним маъносини ифодаловчи сўз таркибида алоҳида қисм сифатида такрор қўлланган номинатив birlikлар эса гипо-гиперонимик лексик қаторларни ҳосил қила олмайди. Масалан: *малла балиқ*, *оқ айиқ*, *қора айиқ*, *қўнғир айиқ*.

Бундай сўзлар таркибли гипоним сирасига мансуб бўлиб, ўзининг ифодаланиш хусусиятига кўра сўз бирикмасидир. Сўз бирикмаси типдаги зоопарадигмалар эса гипо-гиперонимик лексик микротизимларни ҳосил қила олмайди.

Шунинг учун ҳам гипо-гиперонимик парадигмаларни ҳосил қилувчи гипонимларнинг таркибида гипероним тушунчасини ифодаловчи бўлақ мавжуд бўлгандагина гипо-гиперонимик лексик парадигмалар ҳосил бўлади.

Масалан, *саман* сўзининг семантик таркибида *от* тушунчасини ифодаловчи бўлак мавжудлиги учун ҳам *саман* сўзи *от* гипо-гиперонимик лексик қаторидан ўрин олган ҳамда мазкур қаторлардаги бошқа гипонимлар билан ўзаро ассоциатив (парадигматик) алоқага кириша олди. *Арра балиқ* гипоними эса *балиқ* гипо-гиперонимик қаторидан гипоним сифатида ўрин ололмайди, чунки унинг таркибида *балиқ* гипоними қўлланилган. Шу тарзда биз гипо-гиперонимик лексик парадигмаларни ҳосил қилувчи асосий элементларнинг таркибини аниқлаш ва шу асосда гипо-гиперонимик зоопарадигмалар ва бошқа мавзу гуруҳлари орасида мавжуд бўлган лексик-семантик муносабатнинг турларини ҳамда чегарасини аниқлаш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, гипо-гиперонимик лексик парадигмаларни ҳосил қилувчи элементлар ўзбек тили зоонимлари орасида бир қадар кенг тарқалган ва шу мавзу гуруҳларида лексик гипо-гиперонимик парадигмаларнинг ифодаланиш имконияти рангбарангдир. Айтиш мумкинки, зоопарадигмалар орасида ҳосил бўладиган гипо-гиперонимик лексик қаторлар занжирсимон боғланишга эга. Зоонимлар орасида бу занжирсимон алоқа айни бир жинсга мансуб ҳайвонларнинг ўзаро турли белгилари билан фарқ қилувчи номларнинг ифодаланиши билан характерланади.

Бу айни бир жинсга мансуб денотатларнинг турли-туман белгиларини ифодаловчи зоонимларнинг номини атовчи зоонимлар билан алоҳида-алоҳида боғланиб, лексик гипо-гиперонимик парадигмаларни ҳосил қилади.

Чунончи, айни бир жинсга мансуб ҳайвоннинг ҳар хил турларини (ранг-тусига, жинсига, турли ташқи жисмоний белгиларига, етилган ҳамда етилмаганлигига, ёшига, хонаки ёки ёввойилигига) ифодалашга асосланган сўзлар билан боғланиб, турли гипо-гиперонимик парадигмаларни ҳосил қилади.

Бошқа сўз билан айтганда, тур номиини ифодаловчи гипонимларда ўзбек тилидаги ҳайвон номларининг семантик таркибида мавжуд бўлган, айни пайтда уларнинг турли-туман ўзига хос белгиларини ифодаловчи маъноларга асосланган ҳолда гипо-гиперонимик қаторлар шаклланади.

Гипонимларнинг гиперонимлардан фарқловчи дифференциал семалар ўзбек тили зоонимлари орасида олти турга бўлинади.

1. Гипонимни гиперонимлардан фарқловчи сема — бу айни бир жинсга мансуб ҳайвонларнинг ранг-тусига кўра ўзаро фарқи асосида номловчи маънолардир. Масалан: *от* — тоқ туёқли йирик сут эмизувчи иш ҳайвони; *жийрон* — қизғиш от; *саман* — сарғиш сомон-ранг от; *тўриқ* — қора, тўқ қизил жийрон, чипор от; *тарлон* — ола тарғил, човкар от;

Балиқ —	<i>гулмоҳи</i> <i>сув кўк</i>
Ит —	<i>олапар</i>
От —	<i>аблақ</i> <i>жийрон</i> <i>саман</i> <i>саман-тўриқ</i> <i>тарлон</i> <i>тўриқ</i> <i>човкар</i>
Қарға —	<i>олақанот</i>
Қўй —	<i>меринос</i>

2. Айни бир жинсга мансуб ҳайвонларнинг ўзаро турли ташқи жисмоний белгиларининг ифодаланиши асосидаги фарқига кўра алоҳида номланувчи зоонимлар қатори, жумладан, югуриклиги, бўйиннинг баланд-пастлиги, гавда тузилиши, аъзоларининг шакли, хўжалик ҳаётидаги ўрни ва бошқалар асосидаги фарқига кўра алоҳида-алоҳида номланади. Шу номлар ўз навбатида жинс номини ифодаловчи сўз билан лексик-семантик жиҳатдан боғланиб, гипо-гиперонимик парадигмани ҳосил қилади. Масалан: *елқанот* — *учқур от*; *бедов* — *югурик*, *учқур от*; *қамишқулоқ* — *қулоқлари узун ва чимирилиб, диккайиб турадиган от*.

Гиперонимлар	Гипонимлар
Балиқ —	<i>илонбалиқ</i> <i>елимбалиқ</i> <i>кўпқанот</i> <i>лаққа</i> <i>марваридкўз</i> <i>сазан</i> <i>сиян</i>
Ит	<i>бўрибосар</i> <i>лайча</i>

Қаптар	този
Қийик	тўрткўз
	гаури
	буба
	буғи
	жайрон
	марал
	сихшоҳ
Маймун	гемадрил
	горилла
	павиан
	шимпанзе
От	байир
	бедов
	бурон
	гижинг
	елқанот
	охалтака
	този
	қамишқулоқ
	қорабайир
Туя	бўғра
	елмоя
	лўк
	лўкча
Урдак	суқсур
Қисқичбақа	краб
Сигир	говмиш
Хўкиз	бўйвол
Товуқ	маржон товуқ
	дакан
	кулангир

3. Гипо-гиперонимик қаторлар айти бир жинсга мансуб ҳайвон номини ифодаловчи сўз билан шу ҳайвоннинг етилмаган турининг номини ифодаловчи сўзлар орасида ҳам ҳосил бўлади. Масалан:

**Ит** — итсимонлар оиласига мансуб *йиртқич*;

**Кучук** — итнинг боласи;

**Товуқ** — уй паррандаси;

**Жўжа** — товуқнинг боласи.

**Гиперонимлар**

**Ит**

**Гипонимлар**

*кучук*

Кийик	қуралай
От	қулун
Товуқ	жўжа
Туя	бўталоқ
Эчки	улоқ
Эшак	хўтак (курра)
Қорамол	бузоқ
Қўй	қўзи

4. Шунингдек, гипо-гиперонимик муносабатга асосланган лексик-семантик қаторлар айти бир жинсга мансуб ҳайвоннинг номини ифодаловчи сўз билан худди шу ҳайвоннинг жинсига мансуб ёки жинсига кўра турларининг номини ифодаловчи сўзлар орасида ҳам ҳосил бўлади.

**Товуқ** — уй паррандаси;

**Хўроз** — товуқнинг эркаси;

**Мокиён** — товуқнинг урғочи тури.

5. Айти бир жинсга мансуб ҳайвон номини ифодаловчи сўз билан айти шу ҳайвоннинг ўсини даражасига кўра фарқи асосида номланган турларининг атамалари орасида ҳам гипо-гиперонимик муносабат ҳосил бўлади. Чунончи:

**Қорамол** — йирик шохли уй ҳайвони.

**Бузоқ** — сигирнинг боласи.

**Тана** — икки яшар қорамол.

**Ғунажин** — уч ёшдан ошган урғочи қорамол.

**Сигир** — урғочи қорамол.

**От** — қулун, той, ғўлон, дўлон, тўлон, бешак.

**Туя** — бўталоқ, тойлоқ, ғўлон, дўлон, бешак.

**Эшак** — хўтик, тойхар.

**Қорамол** — сигир, бузоқ, тана, ғунажин, хўкиз, новвос, буқа, қўзи, тўқли.

6. Жинс номини ифодаловчи сўз билан айти шу ҳайвоннинг хонаки ҳамда ёввойи турларининг номларини ифодаловчи сўзлар орасида ҳам гипо-гиперонимик муносабатга асосланган лексик парадигмалар ҳосил бўлади. Жумладан:

**Чўчқа** — сут эмизувчи уй ҳайвони.

**Тўнғиз** — ёввойи чўчқа.

Ўзбек тилидаги зоопарадигмалар орасида гипо-гиперонимик муносабат асосида боғланган лексик қаторларни ҳосил қилувчи сўзлар орасидаги семантик муносабатларни таҳлил қилиш натижалари шунини кўрсатдики, мазкур мавзу гуруҳи орасида гипо-гиперонимик муносабатлар зоопарадигмаларнинг асосий фарқли белгисини ифодалаган сўзлар орасида ҳосил бўлади. Гипонимик қаторлар жуда кенг ва серқирра бўлишига қарамай, уларни ҳосил қилувчи механизмлар жуда ҳам оддий.

Биз қуйида гипо-гиперонимик лексик қаторларнинг элементлари орасидаги синонимик, антонимик, омонимик ва полисемантик муносабатлар устида ҳам фикр юритамиз.

### ГИПО-ГИПЕРОНИМИК ҚАТОРЛАРДА СИНОНИМИЯ

Тилнинг яхлит тизим сифатида қурилиши тил элементларининг систем характери, энг аввало, шу тил элементларининг ўзаро парадигматик муносабатлар асосида боғланишда намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам тилни яхлит бир тизим сифатида ўрганишни унинг элементлари, жумладан, луғавий birlikлар орасидаги парадигматик муносабатларни ўрганмасдан туриб тасаввур қилиш қийин. Том маъносидаги систем-тадқиқот ва элементлараро парадигматик муносабатларни ўрганиш айни бир ҳодисанинг турлича номланишидир. Тилнинг луғат қатламини яхлит тизим сифатида ўрганиш сўзлар орасидаги парадигматик муносабатлар, боғланишлар асосида ҳосил бўладиган синонимик ва антонимик қаторлар, лексик-семантик қаторлар каби лексик гуруҳларни ўрганиш соҳасида ўзбек тилишунослигида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди.

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, кўпгина адабиётларда гипо-гиперонимик муносабат асосида боғланган сўзлар қаторини синоним сўзлар сифатида баҳолаб келганлар. Бундай мисоллар, айниқса, мактаб ҳамда олий ўқув юрти дарсликларида кўплаб учрайди. Чунончи, гулнинг турлари: *лола, атиргул, чиннигул, райҳон, лолақизғалдоқ, гулхайри, гултожсихўроз*. Ўзаро синоним сўзлар сифатида кўрсатилган бу ҳол юқорида айтиб ўтганимиздек, биринчидан, гипонимия билан синонимия орасидаги яқинликдан, умумийликдан далолат

берса, иккинчидан, бу ҳар иккала семантик ҳодисанинг ўзаро бир-биридан ажратмаганлигидан, уларнинг аниқ чегараси белгиланмаганлигидан далолат беради.

Сўзлар орасидаги гипонимо-гиперонимик муносабатларни ўрганиш жараёнида гипонимиянинг, синонимиядан фарқи, гипонимия, синонимия орасидаги умумийлик устида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Гипонимик қатордаги сўзларнинг бўлак-ли таҳлилидан маълумки, бир гипонимо-гиперонимик қаторни ҳосил қилувчи гипероним ҳамда гипоним сўзларнинг семантик таркибида ўзаро умумий семалар билан бир қаторда, уларни бир-биридан фарқловчи дифференциал семалар ҳам мавжуд бўлади. Барча тилларда бўлгани каби ўзбек тилининг луғат қатламидаги сўзлар ҳам ўзининг ифодалаган маъносига асосланган ҳолда тасниф қилинади. Бу тасниф сўз маъноларининг ўзаро бир турдаги предметларнинг номини ифодалашга ёки луғавий birlikларда ифодалаган маъноларнинг яқинлиги принципіга асосланган. Ўзбек тилидаги ўсимлик ёки ҳайвон номларини ифодаловчи мавзу гуруҳлари орасидаги гипонимик ҳамда синонимик муносабатлар ҳам худди мана шу мавзу гуруҳларига мансуб луғавий birlikларнинг ўзаро бир турдаги аynи бир жинсга мансуб предметларнинг номини ифодалаб келиши билан белгиланади. Аynи бир гипонимо-гиперонимик қаторга бирлашган барча гипонимлар бир-бири билан ўзаро синонимик муносабатга киришади. Бу муносабат, ўз навбатида, ифодаланиш хусусиятига кўра тўлиқ синонимик ёки қисман синонимик муносабат (алоқа), боғланиш бўлиши мумкин. Масалан: ўзбек тилидаги ёввойи йиртқич ҳайвон номини ифодаловчи *шер* ва *арслон* сўзлари ёнма-ён (параллел) қўлланилади. Эшакнинг етилган турига нисбатан унинг етилмаган турининг номини ифодаловчи *хўтик*, *курра*, шунингдек, эчкининг жинсига кўра алоҳида бир турининг (эркагининг) номини ифодаловчи *така*, *серка* зоонимлари ҳам ёнма-ён қўлланилади. Бу ўринда, *шер* ва *арслон*; *хўтик* ва *курра*; *така* ва *серка* сўзлари (зоонимлар) ўзаро тўлиқ синонимик маъно ифодалаб, гипонимо-гиперонимик қатор доирасида аynи бир гипоним сўзнинг кўриниши сифатида қўлланилади. Лекин бу сўзлар ўзаро ўзига хос маъно бўёқлари фаол ҳамда нофаол қўлланилиши билан фарқланади. Масалан: *Така* — эркак эчки, аynи пайтда ҳам *серка*, ҳам эркак эчки, *така*,

*серка* сўзлари орасида ўзаро худди мана шу тенг келадиган маъноси билан тўлиқ синоним бўла олади. Лекин *серка* сўзидан уни фарқлаб турадиган қўшимча дифференциал бўёқ ҳам бор. Йўл бошлаб юрувчи эркак эчки — *серка* ёхуд, эркак туя номини ифодаловчи *нор* ва *бўғра* сўзларини олиб қарайлик;

**Нор** — эркак туя;

**Бўғра** — икки ёки бир ўркакчи катта эркак туя.

Худди шу хилдаги синонимик муносабатни эркак қорамолнинг ёввойи турининг номини ифодаловчи *зубр*, *жунгли*, *қўтос*; отнинг турларини ифодаловчи *елқанот*, *бедов* ва ҳоказо сўзлар орасида ҳам учратиш мумкин. Айни бир баътда *эшак* ва *хўтик* ҳамда *курра*, *эчки*, *така* ҳамда *серка*, *туя*, *нор*, *бўғра*, *от*, *елқанот*, *бедов*, *хўкиз*, *жунгли*, *зубр*, *қўтос* ва ҳоказо сўзлар орасида қисман синонимик алоқа мавжуд. Масалан: *эшак* сўзи билан *хўтик* сўзи орасида умумий синонимик семалар мавжуд. *Эшак* ҳамда *хўтик* (курра) ҳар иккаласи ҳам айни бир жинсга маъсуб ҳайвоннинг номини ифодалайди (якка туёқли иш ҳайвони), айни пайтда *хўтик* ва *курра* сўзларида *эшак* сўзидан фарқлаб турадиган дифференциал сема, кичиклик маъноси ифодаланади.

Шунингдек, *эчки* ва *така* (*серка*) сўзлари орасида ҳам уй ҳайвонининг алоҳида бир турини ифодаловчи айни пайтда сут ва гўшт маҳсулотини берувчи уй жониворининг бир тури маъноси билан баробар қўлланади.

Ҳар бир гипонимнинг маъноси аниқ ва равшан ифодаланиши талаб қилинган контекстларда бошқа гипоним билан ўрин алмаштира олмайди. Чунончи, *сигирчич* боласи бирикмасини *хўкизнинг боласи* бирикмаси билан алмаштира олмаймиз. Бир синонимик қаторда бирланган сўзлар гипонимлардан фарқли ўлароқ, ўзларининг эмоционал-экспрессив ҳамда идеографик, услубий маънолари билан фарқланади. Масалан: ўзбек тилида «чиройли» маъноси *чиройли*, *гўзал*, *сулув*, *зебо* сўзлари орқали ифодаланади. Бу сўзларнинг ҳар бирида у ёки бу даражадаги ҳиссий маъно ўз аксини топади, синонимнинг маъноси аниқ ифодалаш талаб қилинмаган контекстларда «чиройли қиз» бирикмаси ўрнида «яхши қиз» бирикмаси ёки «ақлли қиз» бирикмасини қўллаш мумкин. Бу ўрнида ташқи кўриниш иккинчи ўринга кўчирилади. Гипонимларнинг маъноси иккинчи ўринга кўчирилганда қуйидагича бўлади: «Итнинг бо-

ласи итдир». Бу ўринда кичиклик, етилмаганлик иккинчи ўринга кўчирилади, акс ҳолда итнинг боласи кучук бўлади, деб юритиш тўғри бўлар эди, айниқса, бадий асарларда ўзаро гипонимо-гиперонимик муносабат доирасида турган сўзларни қўллаш ёрдамида фикрни аниқ ва равшан ифодалаш мумкин. Бу эса матнда бадийликка эришишнинг муҳим воситасидир. Улуғ ўзбек шоири ҳазрат Алишер Навоий ҳам ўз асарларида гипоним ҳамда гипероним сўзларини қўллаш орқали катта бадийликка, мантиқий аниқликка эришган:

*«Кучук бирла хўтика, қанча қилсанг тарбия,  
Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмас асло одамий»*

*Навоий*

Юқорида келтирилган илмий далиллардан шундай хулоса чиқариш мумкин:

1. Маълум бир гипонимо-гиперонимик қаторда ўзаро гипонимик муносабатда турган сўзлар ўзаро тўлиқ ёки қисман синонимик муносабатга эга бўлади.

2. Гипонимо-гиперонимик қатордаги ҳар бир сўзда (гипонимда) аниқлаштирувчи дифференциал маъно (белги) мавжуд. Худди мана шу маъно ёрдамида маълум жинсга мансуб ҳар бир тур номини ифодаловчи сўз нутқда аниқ ифодаланади.

3. Гипонимо-гиперонимик қаторда гипероним доменанта, синонимик қаторда эса бош сўз доменанта бўлиб келади. Умумий интеграл маъно ифодалайди.

4. Гипонимо-гиперонимик қаторларда турли босқичларда турган гипоним, юқори қаторлардаги гиперонимдан, гипероним эса қуйи қатордаги гипонимдан семантик дифференциал: (жинс, ёш, тур) белгилари билан фарқланганлиги учун ҳам турли босқичларда турган сўзлар ўзаро синоним бўла олмайди. Лекин айрим контекстларда гипоним билан гипероним орасидаги фарқни таъкидлаш зарур бўлганда нутқ шароити билан боғлиқ ҳолда гипероним ва гипоним орасида синонимик муносабат ҳосил бўлади.

## ГИПО-ГИПЕРОНИМИК ҚАТОРЛАРДА АНТОНИМИЯ

Маълумки, гипонимо-гиперонимик лексик қаторлар аини бир жинснинг умумий номини ифодаловчи тушунчага нисбатан унинг алоҳида-алоҳида турларининг но-

мини ифодалаб келади. Шунинг учун ҳам айти бир тур номида шу турнинг ўзинигина таъкидловчи ва айти замонда иккинчи бир турни инкор қилувчи семалар баробар ифодаланати. Масалан: *от, бўрон, зебра* сўзларидан иборат бўлган гипо-гиперонимик қаторда *от— иш ҳайвони*, (жинс номини ифодаловчи сўз) айти пайтда, хонаки тур семаси орқали ёввойи эмаслик маъноси ни инкор қилади.

*Зебра* сўзида эса отнинг ёввойи тури маъноси ифодаланати. Айти замонда ёввойи от тушунчаси ёввойи тур семаси, хонаки тур семасини инкор қилиш аниқ маъно орқали ифодаланаяпти. Юқоридаги мисолларда отнинг турларини ифодаловчи сўзлар ўзаро қарама-қарши маъно ифодаламайди. Балки айти бир тушунчасини ифодалаган маънолар орқали иккинчи бир турга мансуб эмаслик, балки шу турнинг айнан ўзи эканлиги таъкидланади. Гипонимо-гиперонимик муносабатга эга бўлган лексик парадигма бирликлари орасидаги синонимик муносабатларни ўрганиш каби мазкур парадигмалар (гуруҳлар) орасидаги ўзаро антонимик маъноларни асослаш ҳам ўзбек тилининг лексик-семантик тизимини яхлит бир тизим сифатида ўрганиш учун жуда муҳим илмий аҳамиятга эга.

Ўзбек тилидаги сўзлар орасидаги антонимик муносабатларни ўрганишга бағишланган баъзи ишларда *эркак, аёл, чол, кампир, қиз, йигит* каби сўзлар ярим антонимлар сифатида кўрсатилган, ваҳоланки, бу сўзлар ўзаро қарама-қарши (антонимик) маъноларга эга бўлган гипонимдир. Чунончи, *одам* гипероними *эркак, аёл, чол, кампир* ва ҳоказо сўзлар билан бир қаторни ҳосил қилади: *ёшлар, йигит, қиз* ва ҳоказо.

Бундай ҳар хиллик гипо-гиперонимик лексик парадигмаларни ҳосил қилувчи сўзлар тизими орасидаги синонимик маъно муносабатларининг бугунги кунга қадар ўрганилмаганлигидан далолат беради.

Ўзбек тилининг умумистеъмолдаги зоонимлари орасидаги гипонимо-гиперонимик муносабатларни ўрганиш жараёнида мазкур мавзу гуруҳига мансуб бўлган баъзи парадигмаларнинг элементлари орасида семантик жиҳатдан ўзаро бир-бирини инкор қилувчи бўлақларининг маъноларини ўрганиш зарурияти қўйилади. Ўзаро гипонимо-гиперонимик муносабатга эга бўлган лексик бирликларнинг семантик таркибида ифодаланган антонимик семаларни таҳлил қилиш натижасида шу нарса

аниқландики, мазкур антонимик семалар ўзаро бир-бирини инкор қилишга хизмат қилмайди. Балки бир турни ифодаловчи семани инкор қилиш орқали шу жинсга мансуб бўлган алоҳида бир турнинг номини атайди. Гипо-гиперонимик муносабатлар орқали боғланган лексик қаторлар орасидаги антонимик алоқалар маълум контекст доирасида ҳам ҳосил бўлади. Бунда ўзаро-гипо-гиперонимик семалар асосида боғланган сўзлар орқали ифодаланган маънолар бир-бирини инкор қилади. Масалан: «**Ит-мушук** бўлишдан на фойда», «**Қизларимиз қўй** эди, амирлар **бўри**» (хатдан), «**У қўй** эмас, **қўчқор** эди». Демак:

1. Бир гипонимо-гиперонимик лексик қаторга бирлашган луғавий бирликларнинг семантик таркибида ўзаро умумий семалар билан бир қаторда бир-бирини инкор қилувчи дифференциал семалар ҳам мавжуд.

2. Бир гипонимнинг семантик таркибида ифодаланган дифференциал маъно, иккинчи гипонимнинг дифференциал маъносини инкор этиш орқали шу сўзни мазкур жинснинг алоҳида бир турини ифодаловчи луғавий бирлик эканини таъкидлайди.

3. Гипонимлар маълум бир контекст доирасидагина тўлиқ антонимик маъно ифодалайди.

4. Гипонимларнинг семантик таркибида ифодаланган ўзаро бир-бирини инкор этувчи семалар ҳамда контекст доирасидаги улар ифодалаган антонимик маънолар бу сўзларни фақатгина ўзаро гипонимик муносабатга эга бўлган сўзлар сифатида баҳолашга асос бўла олади.

## ГИПОНИМО-ГИПЕРОНИМИК ҚАТОРЛАРДА ПОЛИСЕМИЯ ВА ОМОНИМИЯ

Ўзбек тилида лексик полисемия, кўп маънолилиқ сўзларнинг турли маънолари орасидаги муносабат турлари, сўз маъноларининг ривожланиши ва кўчиши ўзбек тилшунослигида бир мунча кенг ўрганилган масалалардандир. Шундай бўлса ҳам мавжуд борлиқдаги **жинс-тур** муносабатини ифодалашга хизмат қилувчи гипонимо-гиперонимик, лексик қаторлардаги полисемия ва омонимия ҳодисаси ўзбек тилшунослигида гипонимияни ҳам назарий жиҳатдан ўрганилиши билан чамбарчас боғлиқ.

Бугунги кунга қадар гипонимо-гиперонимик муноса-

батларга алоқадор бўлган луғавий парадигмаларни ўзбек тилидаги сўзлар орасидаги маъно муносабатларининг алоҳида бир тури сифатида ўзбек тилининг умумистеъмол зоонимлари мисолида ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, бу лексик парадигмаларда полисемия ва омонимия ҳодисаси кенг тарқалган экан. Сўзларнинг гипонимо-гиперонимик қаторларини бир жинс (туркум)га мансуб ҳайвонларнинг умумий ва хусусий номлари парадигмаси гипероним доменанта ва гипонимлар тизими ташкил этади. Масалан: *от, той, қўлун, ғўлон, дўлон, тўлон, бешак; туя, нор, моя, бўталоқ, тойлоқ* ва ҳ. к.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кўпгина гипонимо-гиперонимик қаторларда жинс ва тур номлари алоҳида-алоҳида сўзлар билан ифодаланади. Чунончи, *кийик, оҳу, буғи, марал, сихшоҳ, қуралай, жайрон*.

Юқоридаги сўзлар тизимида *кийик* гипероними шохли йирик сут эмизувчи ҳайвоннинг умумий номи: *буғу, марал, оҳу, сихшоҳ, жайрон, оққуйруқ, қорақуйруқ, қуралай* унинг турли белгилари билан ўзаро фарқ қилувчи турларининг номи. Лекин барча гипонимо-гиперонимик, лексик парадигмаларда гипероним ҳамда гипонимлар алоҳида-алоҳида сўзлар билан ифодаланмайди. Бу, айниқса, гипонимларга алоқадордир. Кўпгина гипо-гиперонимик, лексик қаторларда гипонимлардан бирининг вазифаси гипероним тушунчасини ифодаловчи сўзларнинг зиммасига юклатилади. Масалан: *қўй* — I, *қўй* — II (қўчқор, қўзи); *эчки* — I, *эчки* — II (така, серка, улоқ).

Юқорида келтирилган ҳар икки гипонимо-гиперонимик қаторда маълум бир жинсга мансуб ҳайвоннинг урғочиси (тур номи) гипоним, айти замонда жинс номи (гипероним) — урғочи тур номи гипоним вазифасини ўтайди. *қўй* — I, *қўй* — II, *эчки* — I, *эчки* — II, *кучук* — I, *кучук* — II гипероним ва гипонимлари билан *қўй* — II, *кучук* — II, *эчки* — II гипонимлари ўзаро жинс-тур муносабатларини ифодалаш орқали боғланади, сўзнинг турли маънолари орасида семантик алоқанинг мавжудлигини назарда тутиб бундай, яъни гипонимик ва гиперонимик маъно орқали боғланган сўзларни кўп маъноли сўзларнинг бир тури сифатида баҳолаш мумкин. Кўчма маънони ҳосил қилиш усулларига кўра бундай сўзларнинг маънолари орасидаги боғланишни синекдохмага оид, яъни алоқа асосида ҳосил бўлган маъно-

ларга киритиш мумкин. Юқорида кўриб ўтилган маъно муносабатлари ўзбек тилшунослигида шу кунга қадар ўрганилган синекдоха асосида маъно кўчишидан кескин фарқ қилади. Бу фарқ гипонимо-гиперонимик семантик муносабатларнинг партонимик муносабатлардан фарқи билан белгиланади. Партонимик муносабатлар билан боғланган сўзлар гуруҳи турли жинсдаги предметларни атаб келса, чунончи: *қорамол — шоҳ, туёқ; қуш — қанот, пат; фил — хартум; от — ёл* ва ҳоказо гипонимо-гиперонимик муносабатлар билан боғланган сўзлар бир жинсдаги предметларнинг, жумладан, ҳайвонларнинг турли белгилари билан ўзаро фарқланувчи турларининг номларини ифодалаб келди. Шунинг учун ҳам бу икки турдаги семантик алоқа орқали боғланган лексик қаторлар орасидаги синекдохага оид муносабатлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Гипонимо-гиперонимик муносабатлар билан боғланган лексик гуруҳларни ўзбек тилидаги умумистеъмом зоонимлари асосида таҳлил қилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, бундай мавзу гуруҳига мансуб бўлган сўзлар орасида полисемиянинг яна бошқа турлари ҳам мавжуд.

Полисемиянинг яна бир тури бир гипонимнинг икки ва ундан ортиқ гипонимо-гиперонимик қаторга киришида кўринади. Бунда бир неча кўринишлар мавжуд.

Зоонимлар орасидаги гипонимо-гиперонимик муносабатларни ўрганиш жараёнида аниқланадиган бундай нозик маъно бўёқлари ўзбек тили луғатларида ҳамма вақт ҳам аниқ акс эттирилмаган. *Илонбалиқ* зооними ўзбек тилида икки маънога эга бўлиб, икки жинсга мансуб ҳайвоннинг турини ифодалаб келади:

1. Бир турли узун балиқ (изоҳли луғат, I-том, 324-бет).

2. Шу балиққа ўхшаш денгиз жонивори (изоҳли луғат, I-том, 324-бет). Биринчи маъноси билан *илонбалиқ* балиқ гипо-гиперонимик қаторга киради ва *лаққа, бақра, сазан, сўян* сўзлари билан бир қаторда гипоним сифатида, иккинчи маъноси асосида *денгиз жонивори* сўзи билан боғланиб алоҳида жинс номини ифодалайди ва шу жинсенинг, яъни илонбалиқнинг турларини ифодаловчи сўзлар билан бирга алоҳида гипонимо-гиперонимик қаторни ташкил қилади: *товуқ, хўроз, жўжа, илонбалиқ* каби зоонимларда сўзнинг турли маънолари орасидаги семантик алоқалар метафора усули билан маъно кўчишини эслатади. Юқорида кўриб ўтилганлар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, зоонимларнинг маъ-

ноларини типо-гиперонимик, лексик қаторларга кириши, турли хилдаги зоонимларни атаб келиши, бу зоонимларни ўзаро омонимлар сифатида белгилашга имкон бермайди, чунки улар турли жинсга мансуб ҳайвон турининг номини атаб келади. Шунинг учун ҳам бундай зоонимлар турли жинсга мансуб ҳайвонларнинг номларини ҳамда алоҳида бир жинсга мансуб ҳайвон турининг номини атаб келганда ҳам уларнинг турли маънолари орасидаги семантик муносабатлар (алоқа) сақланади ва фақат типо-гиперонимик муносабатга эга бўлган луғавий бирликлар сифатида баҳоланади.

### ХУЛОСА

1. Гапонимо-гиперономик, семантик алоқадорликка эга бўлган зоонимларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, ўзбек тилининг умумистеъмолдаги зоонимлари ўзаро гипонимо-гиперономик муносабатларга эга бўлиш билан баробар, гипонимо-гиперономик қаторлар функционимия, градуонимия ҳамда иерархионимия муносабатлари орқали боғланади.

2. Ўзаро гипонимо-гиперономик муносабатлар асосида боғланган лексик birlikлар ўзаро синонимик, қисман антонимик бўёқларга эга бўлади.

3. Гипонимо-гиперономик лексик қаторларни ташкил қилган айрим зоонимлар икки ва undan ортик маъно англатиши ҳамда баъзи сўзлар икки ва undan ортик гипонимо-гиперономик қаторларга кира олишига кўра, бундай гипоним ҳамда гиперономик қаторлар орасида ўзаро антонимик ва полисемантик алоқалар мавжуд, деган хулосага келиши мумкин.

4. Ўзаро гипонимо-гиперономик муносабатга эга бўлган лексик birlikлардан бадий асарлар тилида муҳим тасвирий восита сифатида кенг фойдаланилади.

5. Гипонимо-гиперономик семантик алоқаларга эга бўлган лексик birlikлар орасида функционимия, градуонимия, партонимия муносабатлари мавжуд бўлганда ҳам, гипонимлар синонимик ҳамда антонимик чизмаларга эга бўлганда ҳам, улар полисемия ҳамда омонимия билан боғланганда ҳам бундай лексик парадигмалар орасида (жинс-тур) гипонимо-гиперономик муносабат асосий ўринни эгаллайди ва худди мана шу, жинс ва тур муносабатини фойдаланиш билан бошқа семантик алоқалардан фарқли ҳолда гипонимо-гиперономик, семантик, гуруҳларини ҳосил қилади.

## МУНДАРИЖА

Лексикологияни тизим сифатида ўрганиш бошқичлари . . .	3
Ўзбек тилида жинс-тур муносабати асосида боғланган лугавий бирликлар ва уларнинг ифодаланиши . . . . .	9
Гипоним ва гипероним орасидаги логик-семантик алоқа . . . . .	12
Гипероним ва гипоним орасидаги семантик алоқа . . . . .	18
Гипонимия билан ёндош лексик-семантик муносабат турлари . . . . .	21
Гипонимия ва синонимия . . . . .	24
Ўзбек тилининг атамаларга оид ҳамда умумистеъмордаги зоонимлари . . . . .	26
Гипо-гиперонимик қаторларда синонимия . . . . .	39
Гипо-гиперонимик қаторларда антонимия . . . . .	42
Гипонимо-гиперонимик қаторларда полисемия ва омонимия . . . . .	44
Хулоса . . . . .	47